

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА МАХСУС ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛ- ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСИҚИЙ ТАЪЛИМДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

нота муҳарир

Sibelius 4

билан ишлаш

УРГАНЧ

2010 й.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА МАХСУС ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛ- ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСИҚИЙ ТАЪЛИМДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

нота муҳарир

Sibelius 4

билан ишлаш

Ўқувчи ва нашрга тайёрловчилар

УрДУ

«Музиқий таълим» таълим йўналиши кафедраси ўқитувчилари

Ҳ Жуманиёзов

Б. Рахимов

Тасқризи: ПЯЛУ ДОЦЕНТИ ШАРИПОВ М

УРГАНЧ

2010 й.

КИРИШ

Ўқувчилар диққатига машҳур нота муҳаррир Sibelius 4 бўйича ўқув қўлланма ҳавола қилинмоқда. Ундаги материалларнинг баъзи қисми олдинги Sibelius 3 бўйича яратилган дарсликдан, баъзи қисмлари Sibelius маълумотномасидан олиниб бошқа қолган нарсалар устида қўлланма муаллифлари дастурни ўрганиб, иш олиб бордилар. Шунинг учун ҳам айтиб ўтиш зарурки, Sibelius 4 бўйича инглиз тилида қизиқарли маълумотлар ва баъзи нота мисоллари келтирилган анча яхши маълумотнома мавжуддир. Шунинг учун ҳам инглиз тилида ўқиш сиз учун муаммо бўлмаса маълумотнома орқали ушбу дастурни ўрганаверишингиз мумкин. Ушбу ўқув қўлланмада эса дастур имкониятларини маълумотномадагидан анча батафсилроқ ва тушунарли тилда баён қилишга ҳаракат қилинди. Ундан ташқари ўқув қўлланмани яратишда асосий эътибор барча функцияларнинг аниқ тавсифига эмас, аксинча ўқитишнинг амалий томонига қаратилди. Бунга қанчалик даражада эришилганликни баҳолаш ўқувчилар эътиборига ҳавола.

Нихоят, дастурнинг олдинги версиялари билан ишлаган қўлланувчилар учун **Sibelius 4** нинг янги имконияларини баён қиламиз:

- **Динамик партиялар.** Агар дастурнинг олдинги версияларида чолғулар партияларини партитурадан чиқариб олиш талаб қилинган бўлса, эндиликда эса партитурада партиялар энг бошидан бошлаб яратилади ва партитура билан паралел равишда таҳрир қилинади;
- **«Ишчи варақларини яратиш»** (ўзбекча дастурда –ён дафтарча – «блокнот»), ўз ичига 1700 таёр андозаларни, мусиқий мисолларни ва бошқа педагогик материалларни олади, улар эса ўз навбатида мусиқий таълим даргоҳлари педагогларига катта ёрдам бериши мумкин.
- **Партитурага** овозли видео клип яратиш имконини берувчи **видеороликларни киритиш**;
- **Microsoft Wordга** (расм сифатида) нота парчаларини киритиш;
- **12 янги плагинлар** (қўшимча модуллар);
- **Қўшимча нота шрифтлари** (агар Sibeliusнинг олдинги версияларида нота чизишнинг стандарт «Opus», қўлзма «Inkpen» вариантлари мавжуд бўлган бўлса, энди уларга ўзига хос шрифт «Helsinki» ҳам қўшилди);
- **Лига** ва боғловчи нурларнинг анча аниқ кўриниши;

Дастурнинг ташқи кўриниши анча зерикарли бўлиб, кўк - кулранг тусдаги тасвирлар кўзни унча қувонтирмайди, лекин, дастур билан ишлаш умуман ёқимлидир. Sibelius 3 қўлланувчилари дастлабки даврларда барибир баъзи бир янгиликларни ва «қайноқ клавишларни» ўрганиб олишларига тўғри келади ва ана ундан кейин ҳаммаси жой- жойига тушади.


I боб Дастур билан танишиш

Шундай қилиб, Sibelius 4 – ноталарни қўлда териш, уларни MIDI -клавиатурасида ўйнаш йўли билан ёки хоҳлаган MIDI - файлини шунчаки очиб, уни оз-моз қайта ишлагандан кейин кўз олдингизда мутлақо тайёр партитурага айланувчи нота партитураларини яратиш бўйича кенг имкониятларга эга дастурдир. Ундан ташқари яратган асарларингиз партитураларини нашриёт сифати даражасида босиб чиқаришингиз, ва яна шунингдек уларни тайёр расмлар ёки Web - саҳифалари сифатида сақлашингиз мумкин.

Ундан ташқари яратган мусиқангизни хоҳлаган пайтда тинглай олишингиз, (MIDI ёки WAV) товуш форматида сақлашингиз, кейинчалик эса (махсус шу дастурга мўлжалланган воситалар орқали) WAV файлларидан мусиқий компакт - диск ёки овозли видеоролик ёзишингиз мумкин.

1. Ишни бошлаш

Компьютерингизга Sibelius 4 дастурини ўрнатиб, унинг серия ва регистрация рақамларини муваффақиятли киритганингиздан кейин уни илк бор ишга туширганингизда экранда товуш чиқарувчи қурилманинг ажратиб олиш ойнаси пайдо бўлади:




Қурилма номларига эга ҳар бир сатрда жойлашган «Test» тугмалари овоз ижроси сифатини аниқлаш имконини беради. Унда сиз диатоник гаммани эшитасиз. Энг мақул келадиган қурилмани ажратиб олиб, уни сичқонча орқали «Use» графасидаги «Yes» кўрсаткичини босиб орқали ишга тушириш, қолган қурилмаларни эса «No» тугмасини босиб орқали ўчириш керак.

Агар сиз Sibelius - 4 дастури билан биргаликда қўшимча илова (Native Instruments компанияси томонидан Sibelius учун махсус ишланган синтезатор дастури) - Kontakt Player™ ни ўрнатган бўлсангиз, дастурни ишга туширишдан олдин экранда Kontakt Playerнинг овоз созловчи қўшимча ойнаси пайдо бўлади. Унинг қандай созланиши ҳақидаги батафсил маълумотни айрим бобдан қаранг.

Овозни созлаганингиздан кейин рўпарангизда «Тез старт» ойнаси пайдо бўлади. Унда файл очиш, MIDI файлини конвертация қилиш, янги файл яратиш, нашр қилинган ноталарни (фақат Photo Score иловаси ўрнатилган бўлса) сканерлаш буйруқлари ва яна шунингдек дастурини ҳар бир ишга туширишда ушбу ойнани очиш ёки очмаслик имконини берувчи улагич жойлашган.

Олдиндан бажарилган барча созловлардан кейин кўз олдингизда очик «Vebop.sib» файлли дастурнинг ойнаси очилади.

Sibelius ойнаси қуйидаги элементлардан ташкил топган:



Sibelius олдинги версиялари фойдаланувчиларининг эътиборларини янги элемент – **ижро чизиги ўзига тортади**. У партитурада мусиқа бошланиш жойини кўрсатади, ижро пайтида эса партитура бўйича ҳаракатланиб, ижро қаерда кетаётган бўлса доимо ўша жойда ҳаракатланади. Агар сиз ҳозирча бу ижро чизигининг мавжудлигига ўргана олмаётган бўлсангиз «View – Playback Line» («Кўриниш – Ижро чизиги») меню буйруғи орқали унинг тасвирини ўчиришингиз мумкин.

Юқориги сатрда жойлашган (**File, Edit** ва бошқ.) менюлар кўп сонли буйруқларга эга бўлиб, улар ёрдамида партитуралар яратиш, таҳрир қилиш, нашрга чиқариш ва яна шунингдек, уларга овоз беришни сошлаш мумкин. Энг кўп қўлланиладиган меню буйруқларидан тезкорлик билан фойдаланишга имкон яратиш учун улар асбоблар панелида алоҳида жойлаштирилган.

Sibelius ёзган ноталарингизни сиз танлаган чолғулар орқали ижро қилиш имконини беради. Юқориги ўнг бурчакда жойлашган «Playback» сарлавҳали ойнага эътиборингизни қаратинг.

Биз барча қўшимча ойналар вазифаларини кейинроқ ўрганамиз, ҳозирча эса ижронинг яшил тугмасини шунчаки босинг. Жаз оркестри янграйди. Ижрони кўриб турганингиздек ёнма – ён турган қора «Стоп» тугмаси ёки Esc клавишини босиш орқали тўхтатиш мумкин.

2. Асбоблар панели

Кўриб турганингиздек асбоблар панелида жойлашган тугмалар партитура билан ишлаш учун мўлжалланган энг муҳим буйруқларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам меню буйруқларини ўрганишдан олдин асбоблар панели тугмаларини кўриб чиқамиз:



- файл (янги партитура) яратиш;



- Файл очиш;



- файлни дискда сақлаш;



- аудио экспорти. Сиз терган ноталар овозли файл (wav) кўринишида сақланади. Бу буйруқ фақат Kontakt Player™. иловаси ўрнатилган бўлсагина ишлайди.



- ноталарни нашрга чиқариш;



- партитурада бажарилган амалларни бекор қилиш, орқага қайтариш белгиси;



- Экрандаги тасвир кўлами. Бу тугма босилган пайтда сичқонча курсори лупа кўринишини олади. Сичқончадаги чап тугма босилса тасвир кўлами катталашади, ўнг тугма босилганда эса кичиклашади. Ушбу тугмача иши унинг ўзини ёки Esc клавишини босиш орқали тўхтатилади;




- Кўлам индикатори (фақат партитура билан ишлашда ҳаракатга келади, агар биронта ҳам файл очилмаган бўлса, индикатор кул ранг тус бериб туради);



- Нота йўлига диққатни тўплаш. Ушбу тугмача босилган пайтда фақат сиз ишлаётган нота йўллари (бир қанча ёки битта нота йўли) қолади. Бошқалари эса вақтинча кўз олдингиздан ғойиб бўлиб, тугмачани қайта босмагунингизча экран бўшлиғини сақлаб туради.



- Партитуранинг кўчириш (транспорт). Кўчирилаётган чолғулар (in B кларнет, in F туба) кабиларнинг партияларидаги тоналликларларни тўғри тасвирлаш учун қўлланилади.



- Асосий партитура ва чолғулар партиялари ораликларини қайтадан улаш (биронта ҳам файл очилмаган ҳолатда элемент кул ранг тус бериб туради);



- Қанчалик ҳайрон қоларли бўлмасин ўшанинг ўзи, фақат, битта тугмача билан.



- Экранга Sibelius маълумотномасини чиқариш. Балки сиз ундан дастур билан ишлаш ҳақида анча кенг ва аниқ маълумот оларсиз. Лекин, фақат инглиз тилида.

Ундан кейин битта тўртбурчак билан бирлаштирилган бир қатор тугмачалар жойлашган:



Бу тугмачалар кўчувчи ойналар тасвирини ёқади ва ўчиради. Ойналарнинг кўчувчи деб аталиши сабаби шундаки, сиз таъбингизга кўра уларни экраннинг у ёки бу ёғига бемалол кўчириб, хоҳлаган ерингизга жойлаштиришингиз мумкин. Ва ниҳоят уларгача етиб келган эканмиз, бу ойналарнинг қандай мақсадда қўлланилишини баён қиламиз ва санаб чиқамиз.

3. Кўчувчи ойналар

Навигатор



- Танишинг, навигатор. У партитура бўйлаб жуда тез ҳаракатланиш имконини беради, бу эса партитурада кўп саҳифа бўлса, катта қулайлик яратади. Сичқончанинг чап тугмачасини босиб унинг устида шунчаки юритинг!



Рақамли клавиатура



Рақамли клавиатура – бу компьютерингиз клавиатурасининг ўнг томонида жойлашган кўшимча клавиатуранинг клавишлари тасвирланган оинадир. (Рақамли клавиатура). Бу эса бекордан бекорга қўйилган эмас, чунки экран клавиатурасида сичқонча тугмачасини босиш, рақамли клавиатурадаги шундай клавишларнинг босилишига тўғри келади. Клавиатура ойнасида 5 ёрдамчи варақ – вкладка (бундан кейин ёр.варақ.) мавжуд бўлиб, улар сарлавҳалари устида сичқонча тугмачасини босиш ёки F8 – F12 клавишлари орқали ишга туширилади:

Common Notes (Умумий ноталар)	More Notes (Кўпроқ нотлар)	Beams/Tremolos (Груҳлаш/Тремоло)	Articulation (Артикуляция)	Accidentals (Кўшимча альтерация белгилари)
F8	F9	F10	F11	F12

Шунингдек, сал олдинга ўтиб, шуни эслатиб ўтиш зарурки, Sibelius битта нота йўлида тўртта мустақил овозни ёзиш имконига эгадир. Ҳар бир овоз объектлари (ноталар, чизик,

матн) лар бир-биридан ранги билан фарқ қилади: **1 - овоз кўк, 2 – овоз яшил, 3 – овоз тўқ сарик, 4 – овоз - оч сиёҳ рангдадир.**

Клавиатура ойнаси пастки қисмидаги 1,2,3,4 тугмачалар биз яратаётган объектларни тегишли овозларга жорий қилиш имконини беради ва босилган пайтда тегишли рангга ўзгаради. Улар «Edit / Таҳрир» менюсидаги «Voice / Овоз» буйруқлари билан бир хил бўлиб, уларга **Alt+1, Alt+2, Alt+3, Alt+4 клавишлари** қўшилмалари мос келади.

ALL тугмачаларига келганда эса (Alt+5 клавишлари қўшилмаси), улар партитуранинг баъзи бир элементлари (матн, лига) ларга таъсир қилади ва ундан кейин улар ажратиб олинган пайтда кўк ранг тус олиб, энди битта овозга эмас, балки бир пайтнинг ўзида барча овозлар ноталарига таъсир қилади.

Шундай қилиб, рақамли клавиатуранинг бир хил клавишларини босиш анча кенг имкониятлар яратади. Буни нота териш ва таҳрир қилишнинг асосий қуроли деб айтиш мумкин.

Ижро ойнаси



Чапда тасвирланган тугмача орқали ҳали биз танишиб улгурган ижро ойнаси очилади. Унинг тугмачалари овоз чиқарувчи оддий маиший ускуналар тугмачаларига ўхшашдир:



Бу тугмачалар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:



- Ижро чизигини партитура бошига кўчириш;



- Ижро чизигини секин орқага қайтариш;



- Ижро;



- Стоп; (Тўхтатиш);



- Олдинга секин ўтказиш;



- Ижро чизигини партитура охирига кўчириш;



- MIDI-клавиатурасидан мусиқа киритиб бошлаш («Flexi-Time™» номли опция);



- «Жонли ижро» (Sibelius сиз барча қочиримлари билан ижро қилиб киритаётган мусиқаларингизни “эслаб” қолади ва кейинчалик худди шундай ижро қилади);



- Ижрога метроном зарбларини киритиш.

Тугмачалар пастида “вақт чизиғи” («time line»), деб номланувчи сурилувчан созлагичли йўлакча жойлашган бўлиб, у ижрони назорат қилади ва партитурадаги ижро чизиғи билан бир вақтда ҳаракатланади.


Ойнанинг пастки қисмида кўк ранг экранча мавжуд бўлиб, у куй ижроси вақтини (соат, минут, секунд, миллисекундларда), амалдаги такт номери (bar) ни, шу пайтда ижро қилинаётган такт ҳиссаси (beat) ни ва яна шунингдек амалдаги суръат ҳақидаги маълумотларни тасвирлайди. Кўрсатилган экраннинг ўнг томонида ижро суръати созлагичи жойлашган.

Микшер



Ушбу тугмачани босиш орқали сиз яратган мусиқа оҳангини созлаш учун мўлжалланган ойна - микшер очилади.

Микшер ойнаси кўк ранг найзасимон тугмача билан ажратилган иккита қисмдан иборат. Унинг чап қисмида оҳангни созлашнинг асосий, чап қисмида эса кўшимча созлагичлари жойлашган. Ойнанинг ўнг томони одатда ошкор қилинмасдан ёпиқ ҳолдадир, лекин уни найзасимон клавишни босиш орқали уни очиш ёки ёпиш мумкин.



Ойнани дастлабки очишда асбобларнинг фақат иккита устунни кўринади, лекин ойна чегараларини сичқонча ёрдамида суриш орқали бошқа устунларни ҳам кўриш мумкин. Унча ҳам қулай эмас, лекин шунга ҳам қаноат қилишга тўғри келади.

Ойнанинг **чап қисмида** ҳар бир чолғу асбоби овоз баландлигини созлаш қурилмаси ва стерео – позициялар жойлашган. Бу ерда чолғу асбоблари номлари ёзилган маълум бир сондаги устунчалар мавжуддир. Микшердаги ҳар бир чолғу асбоби партитурадаги маълум бир нота йўлига тўғри келади. Ҳар бир асбоб устунчасида қуйидаги созлагичлар мавжуддир:

Овоз баландлигини созлаш (узун вертикал созлагич);

- **Стерео-позиция** сози (қисқа горизонталь созлагич)
- **S (Solo)**. Бу тугмача босилганда фақат битта чолғу асбоби овози қолиб, бошқа асбоблар овози ўчади, тугмачани қайтадан босиш орқали ҳаммаси дастлабки ҳолатга қайтарилади;
- **M (Mute)**. Бу тугмача учта ҳолатга эга бўлиб, сичқончани бир мартадан босиш орқали ҳаракатга келтирилади;
 - 1) тугмача кулранг тусда, яъни ўчирилган, чолғу асбоби янграйди;
 - 2) тугмача ярми кул ранг тусда, чолғу асбоби овози ярмига пасайган;
 - 3) тугмача ҳаво ранг тусда, чолғу асбоби овози ўчган.
- Чолғу асбоби номи ёзилган (устун тагидаги) тугмачани боссангиз, у сайланган устунни таҳрирлаш учун ажратади;
- Ҳаво ранг нур сочувчи рақамли тугмачалар у ёки бу чолғу асбоби қўллаётган MIDI (агар буни кимдир билиши жуда зарур бўлса) йўлакчасини кўрсатади

Ундан ташқари чапдан биринчи устун– «Click» («Чиққиллатиш») одатда ошкор қилинмасдан ўчирилган бўлиб, бу суръатга мос равишда зарб уриб турувчи метроном овозидир. Айтмоқчи, «метрономга» ҳам ўз мусиқа асбобини тайинлаш мумкин!

Ойнанинг ўнг қисмида чолғулар созлагичлари жойлашган бўлиб, биз учун энг муҳими, юқоридан учинчи қаторда жойлашган очилувчи рўйхат – «Sound» - «Товушлар» жуда муҳимдир. Айнан шу ерда ажратиб олинган чолғу учун тембр танлаш, ва яна шунингдек «Test» тугмачасини босиб, унинг ижросида мисол тариқасида до товушини тинглаш мумкин.

Айтилганларга қўшимча қилиб микшер орқали киритилган барча ўзгаришлар стандарт услубда – Edit (Таҳрир) – Undo/Redo (Бекор қилиш/ Қайтариш) менюлари орқали бекор қилиниши мумкинлигини айтиш мумкин.

Kontakt Player



- Бу азаматга ҳам етиб келдик. Мана у қандай, кўринг:



Маълумки, Kontakt Player икки таҳрирда: Kontakt Player Silver (20 чолғу тўплами) ва Kontakt Player Gold (64 чолғу тўплами) қилиб чиқарилади.

Ҳозир эса кўз олдингизда Kontakt Player Gold. Унинг юқориги қисмида **слотлар** деб номланувчи 32 та катакчалар мавжуд. Уларда хотирага киритилган мусиқа асбоблари номлари жойлашади (айнан ҳозир унга битта мусиқа асбоби – фортепиано киритилган). Сичқончанинг чап тугмачаси хоҳлаган бирон бир слотда босилса ажратиб олинган мусиқа асбоби номи таблода пайдо бўлади, ундан кейин чолғу асбоби оҳангини таъбингизга кўра созлашингиз мумкин.

Kontakt Player Gold нинг хотирасига бир вақтда фақат 8 та мусиқа асбобини кирита олиш мумкин бўлган бир пайтда (бу ҳақда 8 рақамли кумуш ранг тахтача гувоҳлик беради ва унда фақат 8 та слот мавжуддир), Kontakt Player Gold хотирасига эса бир вақтнинг ўзида 32 та мусиқа асбобини киритиш мумкин (бу ҳақда 32 рақамли олтин ранг тахтача фахр билан гувоҳлик беради). Қолган томондан Gold ва Silver ойналари бир биридан фарк қилмайди.

Бу «пианино»чада дарҳол ўйнаб бошлашнинг иложи йўқ, уни фақат очик файлда ва партитурадаги мавжуд чолғу асбоблари билангина чалиш мумкин. Агар сизда MIDI-клавиатураси мавжуд бўлса, уни сиз (асбоб хотирага киритилган бўлиши яъни партитура ижро қилинганда янграши шарти билан) ишга туширишингиз мумкин. Агар сизда MIDI -клавиатура – бўлмаса Kontakt Playerда оз-моз сичқонча ёрдамида ўйнашингиз ҳам мумкин.

Ойнанинг юқориги қисмида жойлашган қора сатрларда партитурада мавжуд мусиқа асбоблари номлари жойлашади. Ойнанинг ўнг қисмида 8 та созлагич мавжуд бўлиб, улар вазифаси қуйидагича:


- ATTACK – Товуш хужуми қаттиқлигини бошқаради (барча мусиқа асбоблариникини эмас);
- BNESS (аниқроғи, brightness) – товуш тембрини хирадан жарангдорга ўзгартириш;
- TUNE – товуш баландлигини созлаш, у ошкор қилинмасдан тўғри даражага қўйилганлиги сабабли, аниқроғи «созни бузиш» деб айтиш тўғри бўлар эди;
- PAN – стерео-позиция (чап карнайдан ўнг карнайга(динамикка);
- REVERB – реверберация даражаси. Kontakt Player чолғу асбоблари оҳангини шунчаки акс-садо ("эхо") қилиб қолмасдан, акс садо билан янгроччи мусиқа асбобларининг алоҳида тўпламига ҳам эгадир (echo instruments). Акс – садо чолғу асбоби тембрини яхшилади, товуш ҳажмини оширади. Аслида бу акс-садо - асбоби товуш баландлигини созлагичдир.
- VOLUME – асосий асбобнинг овоз баландлигини созлагич.
- Ундан ташқари ойнада яна иккита бошқариш созлагичи мавжуд бўлиб, улар одатда ишламайди. Балки улар қандайдир пайтда керак бўлиб қолар, балки шунчаки безак учун турган бўлиши ҳам мумкин....
- Қолган бошқа «созлагичлар» лар ҳам қандайдир маънода оҳанг характериға таъсир қилади; Улардан фақат «Velocity» созлагичли сатрни ажратиб кўрсатиши мумкин. «Attack» регулятори, товуш ҳосил бўлишининг майинлигиға таъсир қилади. Қолган бошқа тугмача, «улагич»лар нимаға мўлжалланганини аниқлашнинг иложи бўлмади (улар ишлатилганда ҳеч қандай ўзгаришлар рўй бермади).

Kontakt Player ишлаши ҳақида «товуш билан ишлаш» бўлимида янада батафсилроқ маълумот берилади.

Динамик партиялар



- Ушбу тугмача билан асбоблар партиялари ойнаси очилади. Уларни ҳам кўриб чиқамиз:



• Табиғи - «Номлар» - графасида партиялар номлари жойлашгандир. Сичқонча тугмачасини бир марта босиш билан ажратиб олинган партия ажратилади, Ctrl клавишини бир марта ва кейинги такрор босишлар орқали эса ажратилган партияларға бошқа партияларни ҳам қўшиш мумкин (мисол учун расмда ажратиб олиб кўрсатилганидек).

Иккита тез чиққиллатиш орқали чолғу партиялари кўриб чиқиш (тахрир учун очилади). Бунга асбоблар панелидаги очилувчи рўйхат, яъни «Full Score» деб ёзилган жойдан керакли партияни ажратиб олиб, юқоридаги амални такрорлаш орқали эришиш мумкин. Икки марта секин чиққиллатиш орқали партиялар номларини ўзгартириш мумкин.

«Нусхалар» графасида сичқончани икки марта чиққиллатиш орқали берилган партиялар нусхалари сонини нашр учун ўзгартириш мумкин.

- Пастда жойлашган тугмачалар қуйидаги аҳамиятға эга:



- Ажратиб олинган партияларни нашр қилиш;



- очик партияга қўшимча нота йўллари кўшиш;



- Агар сиз чолғу асбоблари партияларидаги саҳифалар партитурадан безак ва чизиклари билан ажралиб туришни истасангиз ушбу тугмачани босинг;



- партияни олиб ташлаш;



- Ойнадан сиз ажратиб олиб олган ва ушбу дақиқаларда кўриб чиқилаётган партия устига партияларнинг безалишини нусхалаш;



- «Партияларни ажратиб олиш» -яъни уларни алоҳида файлларда сақлаш. Олдин бу опция Sibelius 3 да «Файл» менюсида жойлашган эди, ҳозир эса қаранг техника қандай даражага етган! Энди сақланган партияларнинг «динамик эмаслиги ўз-ўзидан тушинарлидир».



- Янги партияни яратиш;

Энди эса динамик партиялар билан ишлашга тааллуқли баъзи бир нозик тамойилларга тўхталамиз.

Қуйидаги матн Sibelius маълумотномасидан олинган:

Маълумки партитурада объект (матн, нота, чизик) ларни яратиш ва олиб ташлаш бўйича амалга оширилган барча ишлар бир вақтнинг ўзида партияларда ҳам амалга оширилади ва аксинча, партияларда бажарилган ишлар партитурада ҳам амалга оширилади. Лекин, бу объект (матн, нота, чизик) ларни кўчириш, чизиклар ва нота штиллари узунлигини ўзгартириш кабиларга тааллуқли эмас, улар бироз бошқача қонун – қоидаларга бўйсундилар:

- Агар сиз партитура объектнинг узунлиги, шакли ва жойлашишини ўзгартирсангиз, бу ҳозирча фақат партияларда ўз аксини топади;

- Агар сиз шунинг ўзини партияларда амалга оширсангиз, бу партитурада амалга ошмайди. Партиядаги бундай объект тўқ сариқ тус олади ва бу сиз энди уни партитурада партиялардан мустақил равишда, ёки партияларни партитурадан мустақил равишда таҳрир қила олишингизни билдиради, бу эса баъзи ҳолларда яраб қолиши мумкин. Агар тўқ сариқ объектни яна партияларда тасвирламоқчи ва яна шунингдек партитурада қандай кўринишдалигини билмоқчи бўлсангиз, уни ажратиб олиб олинг ва Layout – Reset Position (Формат – Позицияларни қайтадан ўрнатиш) меню буйруқларини бажаринг;

- Агар “Помидор қайласидаги килькилар” ранги сизнинг асабингизга тегаётган бўлса, уни «View - Differences in Parts» («Кўриниш – Партиялардаги фарқлар») менюси буйруғи билан ўзгартиришингиз мумкин.

Видео



- Ушбу тугмача билан асбоблар панелида видео ойнаси очилади:



Партитурага видеоролик киритиш учун Play – Video and Time – Add video (Ижро– Видео ва Вақт – Видеони қўшиш) меню буйруғини бажаринг. Шунини айтиб ўтиш зарурки, агар сиз қилган ишингиздан афсус чекаётган бўлсангиз, шу буйруқнинг ўзи «Remove

video» номини олади ва сиз у билан видеороликни олиб ташлашингиз мумкин, энди юкорида кўрсатилган ойнада муסיқа билан видеотасвир ҳам ижро қилинади.

Агар сизда Quick Time, ва яна **mov** ўрнатилган бўлса Sibeliusга киритиш мумкин бўлган видеороликларга кенгайтирилган **avi, mpg, wmv** файллари ҳам таалукли бўлади.

Агар сиз видеороликни партитура билан сақламоқчи бўлсангиз, видеоролик партитура билан бир файлга бирлашмаслигини билишингиз зарур. Sibelius унинг фақат дискда жойлашган жойинигина эслаб қолади. Шунинг учун ҳам, агар сиз бировга ўзингизнинг видеоли ноталарингизни бермоқчи бўлсангиз, ўзингиз билан видеони ҳам бирга олиб олишни унитманг!

Бу ойна тугмачалари вазифалари қуйидагичадир:



- «**Hit Point**»ни қўшиш



- видеонинг икки баробар ўлчами;



- ҳақиқий видео ўлчамнинг ½ си;



- бутун экранни тўлдирувчи видео



- ҳақиқий видео ўлчами;

Чекка қисмларда эса видеоролик овозини созловчи мослама жойлашган. Унинг шахсий товуши сизнинг муסיқангизга халақит бермаслиги учун уни шунчаки чап томон охирига суриб ўчириб қўйишингиз мумкин.


Hit Point нима деган савол туғилади. Уни ўзбекчага бир сўз билан таржима қилиш жуда катта қийинчилик туғдиради. Бу қандай “зарб нуқталари”, улар нимага кераклигини билиш учун энг бошидан Sibelius 4 га нима учун умуман видиони киритиш (видиосюжет билан синхронлаштирилган муסיқа ёзиш, яъни муסיқий видиоклиплар яратиш) имконияти тадбиқ қилинганлигини тушуниб олиш зарур. Албатта, композитор экранда кечаётган воқеаларни томоша қилиш пайтида ҳосил бўлган муסיқа яратиш тассуротларига мувофиқ шаклланган фильм (клип) нинг кадрларини кўриши зарур. Бунинг учун эса партитурага бир сюжет йўналишини иккинчи сюжет йўналишидан ажратувчи махсус белгилар қўйиб бориш керак. Мана шунинг ўзи «hit points» дир. Шундай қилиб улар муסיқа ва видиони синхронизациялаш учун мўлжалланганлиги сабабли сўзма-сўз таржимадан ўзимизни тийиб, уни шартли равишда **синхронизация нуқталари** деб атаймиз.

Синхронизация нуқталари қуйидагича қўйилади. Мисол учун видео намоиши давомида сиз партитурада белгиламоқчи бўлган муҳим бир кадрни кўриб қолдингиз деяйлик. Ижро ойнасининг зангори экранда шуълаланаётган (Timecode) да ижро вақтини бошидан кузатиб боринг.

Агар сиз керакли кадрни «илиб» олишга улгурмаган бўлсангиз ижрони тўхтатинг ва ижро ойнасидаги «орқага қайтариш» тугмачаси орқали керакли жойга қайтинг ва бемалол видео ойнасидаги «Hit point» тугмачасини босинг.

Энди видео ишига таалукли асосий функцияларни кўриб чиқамиз. Play – Video and Time (Ижро – Видео ва Вақт).

1. **Timecode and Duration** (Timecode ва чўзимлар) буйруғи қуйидаги ойнани очади:



Ха, кўриниши анча мураккаб, кўркманг, хозир ҳаммасини ўрганиб оламиз.

* «**Timecode of first bar**» сатрида (агар сизни нолдан бошлаш қониқтирмаса) «соат, минут, секунд, миллисекундлар форматида ўзингизга керакли вақтни киритишингиз мумкин.

- «**Start video at:**» сатрида видео ижросининг дарҳол бошланишини (start of score) ёки (секунд ва миллисекундларда) маълум бир вақтдан бошлашни кўрсатиш мумкин;

- «**Start video from**» сатрида эса видео роликни бошидан эмас, балки маълум бир пайтидан бошлашга мажбур қилиш мумкин (ролик бошидан келаётган видео кўрсатилади).

- «**Time**» (ҳеч қандай «темп» эмас, айнан «Вақт») сатридан партитурада ижро бошидан бошланган вақтни, ҳар бир такт устида, ҳар бир сатр бошида кўрсатиш ёки биринчи такт устидан кўрсатиш ёки кўрсатмаслик;

- «**Duration**» сарлавҳали сатрда белги - S қўйиб, партитуранинг энг сўнгида унинг тўлиқ янграш муддати ҳақидаги эслатмани қўйишингиз мумкин.

- «**Position**» сатрида қайси нота йўли устида вақт ва синхронизация нуқтасини қўйишни танлаш мумкин;

- «**Units**» («**Бирликлар**») сатрида вақтни ифодалашнинг турли форматларини танлашингиз мумкин.

2) **Hit Points** буйруғи. синхронизация нуқталарини ҳеч қандай қийинчиликсиз қўлда яратиш (ижро вақтни бошидан кўрсатган ҳолда) олиб ташлаш, яна шунингдек номини ўзгартириш ва таҳрир қилиш мумкин бўлган ойналарини очади.

Энди сўнги натижа ҳақида. Тахмин қилинг, сиз видеоклип яратдингиз. Энди нима қилиш керак? Кўриниб турибдики Sibelius воситалари билан клипни монтаж қилиш мумкин эмас. Бизга асосий кераги, бу куйни WAV товуш файли кўринишида сақлашдир. Буни эса File – Export – Audio (– Экспорт – Аудио-файли) меню буйруғи орқали компьютеринингизда Kontakt Player ўрнатилган бўлган тақдирдагина амалга оширишингиз мумкин..

Ўша менюнинг ўзида «MIDI file» буйруғи мавжуддир. Яратган мусиқангизни MIDI форматида сақланг, ундан кейин эса Интернетдан кичик, лекин жуда қувватли дастур Awave Studioни кўчириб олинг, у ҳеч қандай қийинчиликсиз MIDIни WAVга айлантириб беради..

Ундан кейин, ҳосил бўлган файлни видеоклип билан боғлаш керак. Sibelius маълумотномасида ушбу мақсадда (Windows XP андозавий жамланмасидан) Windows Movie Maker тавсия қилинади. Уни қўллаб кўриб, умуман ҳаваскорлик даражаси учун унча ёмон эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Агар сизни бу ҳам қониқтирмаса ва видеодан товушни ажратиб олувчи ва видеога товуш киритувчи профессионал дастур зарур бўлса энг яхшиси Virtual Dub ёки AdobePremiereни танлашингиз мумкин.

Энг муҳими мусиқа чўзими видео чўзимига мувафиқ келиши зарур. Мисол учун яратилган куй бутун клипни тўлдирса ва унинг сўнги секундларига жимлик билан жўр бўлса, бу жимлик ҳам ёзиб олинishi зарур, акс ҳолда қилинган барча синхронизация чиппакка чиқади.

Айнан мана шу ерда Sibelius ва Kontakt Playerда кичик камчилик борлиги намоён бўлиб қолади:

Ёзилаётган аудио охирида WAV файли тахмин қилинганидан бир неча секунд узокроқ янграйди, ҳамма гап шундаки Kontakt Player аудио ёзуви сўнгида нимадир ҳақида «ўйланиб» қолади. Ана шу бир неча секунд жимлик кўринишида куй сўнгига қўшилади.

Бу муаммони ечиш йўли куйидагича: ҳосил бўлган файл Sound Forge ёки Adobe Audition (иккаласи ҳам яхши) типидagi аудио - редакторда очилади. Ёқимли дастур (Nero 6 ёки 7 пакетидан) Nero Wave Editor ҳам буткул ярайди.

Бу ерда куй товуш тўлқини сифатида намоён бўлади. Сатр ҳолатида куйнинг янграш муддатини (ўша Timescode – 00:00:00:00 билан) кузатиб бориш ва кераксиз бўшлиқни олиб ташлаб, куй чўзимини видеоклипга мослаш мумкин.

Бундан ташқари товуш баландлигини ошириш (нима учундир Kontakt Player товушни паст ёзади) ва WAVда сақлаш мумкин.

Хусусиятлар ойнаси



- ушбу тугмача босилиши билан хусусиятлар ойнаси очилади. Бу нимага керак?

Амалда партитуранинг ҳар - бир объекти турли нозик йўллар билан таҳрир қилиниши мумкин бўлган ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу эса ушбу ойна ёрдамида амалга оширилади. Ойнада 7 та ёрдамчи варақ мавжуд бўлиб, улар сичқонча тугмачасини сарлавҳада босиш орқали очилади. Уларнинг ҳар бирини навбатма-навбат кўриб чиқамиз.

1.General (Умумий).Бу ёрдамчи варақда нота партитурасининг деярли барча объектларига таъсир кўрсатиш мумкин. Ойнанинг юқориги қисмида мавжуд нота йўли, такт, тактдаги позиция, ажратиб олинган объект қаерда жойлашганлиги ҳақида маълумотлар берилади.Ундан пастдаги бирин-кетин чикувчи рўйхатда куйидаги буйруқлар мавжуд:

- «**Hide**» - ажратиб олинган объектни яшириш (кўринмас қилиш);
- «**Show**» - яширинган объектни кўрсатиш (кўринадиган қилиш);
- «**Show in Score**»-партитурада кўрсатиш (лекин партияларда яшириш);
- «**Show in Parts**»-партитурада кўрсатиш (лекин партитурда яшириш).
- X** ва **Y** майдонларида ажратиб олинган объектни вертикал ва горизонтал бўйича кўчириш мумкин;
- «**Flip**»(«**Айлантириб ташлаш**») буйруғида (ажратиб олинган объектларни юқоридан пастга айлантириб ташлаш) ноталар штили юқорига айланади, лига ва артикуляция белгилари нотанинг юқорисида ёки пастида жойлашади в.х.к.).



2. Text (Матн). Бу ерда матн, чизикчалар, ажратиб олинган матн парчаларини ўзгартириш мумкин.



3. Playback (Ижро). Бу ерда ижронинг турли созлари жойлашган, улардан энг қизиқарлилари қуйидагилар:

- Агар **нота** (бир қанча нота, бир парча) танланса ва Play on pass:» сарлавҳасидаги 1 рақами остидаги (V) белгиси олиб ташласа, сиз танлаган нота (ноталар) ижрода ўйналмайди. Бу эса бир қанча овозлар унисон бўлиб қўшилган пайтда овозларни Sibelius ҳаддан ташқари қаттиқ янграшга мажбур қилган пайтда жуда фойдалидир. Бундай ҳолатда бир овозни қолдириб, бошқаларни ўчириш мумкин;


- «Gliss/Rit/Accel» **глиссандо** чизикчаларини ажратиш. «Gliss/Rit/Accel» сарлавҳаси остидаги майдончада глиссандо чизигини ажратиб олиб, унинг ижросини (глиссандо эффектсиз, чолғу асбобига мувофиқ, хроматик, диатоник, қора ва оқ клавишлар бўйича) сошлаш ва яна шунингдек эффект ҳаракатларини (доимий - linear, олдинги - early, сўнги - late) ларга ўзгартириш мумкин;

- **rit.** ёки **accel.** чизикларини танлаш орқали улар эффектни тезлатиш ва секинлаштиришга сошлаш мумкин;

- «Trill» сарлавҳаси остидаги майдончада **трелни** ажратиб олиб, унинг оҳангини маълум бир ярим тонлар сонига (half steps); тезликка (speed), ўзгартириш, тезлатмасидан бир текис ижро қилиш (play straight), юқори нотадан бошлаш (start on upper note) мумкин.



4. Lines (Чизиклар). Бу ерда чизиклар созлови жойлашган. Sibeliusда **Lines** (чизиклар) сўзида лига, крешендо, (диминуэндо), треллар, глиссандо каби шакли бўйича чизикқа ўхшаш бошқа белгилар тушинилади (*Lines (чизик) ни Barlines (такт чизиги) билан алмаштираш зарур*, улар ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ). Улар Create – Line (Чизикни яратиш) файли ёки шунчаки L клавишни босиш орқали яратилади.



Бу ёрдаачи варақ орқали X ва Y координатларини ўзгартириб, чизикларни суриш ва ундан ташқари лигаларнинг шаклини ўзгартириш мумкин.

Очиғини айтганда чизиклар чеккаларини сичқонча билан шунчаки тортиб ҳам суриш мумкин лекин бу ерда барчаси жуда жиддий - шунча рақамлар бор!

5. Bars (Тактлар). Бу ёрдамчи варақ буйруқларини бирон бир такт ёки такт чизиғи олдида ажратиб олиб ишга тушириш мумкин. Яна бунинг устига тегишли белги қўйиш орқали қуйидагиларни такт бошида тасвирлаш зарур ёки зарур эмаслиги, созлаш кабиларни амалга ошириш мумкин:

- акколада ёки тўртбурчак қавслар (Brackets),
- Бошланғич чизиқ (Initial barline),
- Калитлар (Clefs),
- Калит белгилари (Key Signature).

Пастда жойлашган буйруқлар :


- Split multirest –ажратиб олинган тактда кўп тактли паузага ажратилади ;
- Section End – Бўлим охири. Бу опция ёрдамида тизимни ёки саҳифани узиш билан биргаликда янги асарни ўша партиянинг ўзидан бошлаш.

Break (узилиш):

- No break – узилиш йўқ;
- System Break – тизимнинг узилиши;
- Page Break – саҳифанинг узилиши;
- Middle of system – ажратиб олинган такт(агар имкон бўлса) тизим марказида жойлаштирилади;
- Middle of page – ажратиб олинган такт (имкон бўлса) саҳифа марказида жойлаштирилади.

Бўш тактлардаги пауза кўриниши («такт паузаси»);

Gap before Bar – Такт олдидаги оралиқ (юқорига қара).



6. Staves (Нога йўллари).


Бу ёрдамчи варақ ёрдамида нота йўлини ажратиб олиб:

- Унинг типини (чизиқлар сонини) ўзгартириш,
- Уни энсиз (ёрдамчи -«Small» қилиш
- Унда ажратиб олинган чолғу асбобининг ишчи диапозони («Range») ни иккита: «Comfortable»(Қулай) ва «Professional» (Профессионал) режимларда аниқлаш мумкин. Ушбу диапозонга кирмаган ноталар экранда (агарда менюда View ⇒ Note colors ⇒ Notes out of Range опцияси уланаган бўлса) огоҳлантирувчи қизил ранг билан белгиланади.



7. Notes (Ноталар).

Бу ёрдамчи варақда ажратиб олинган нота бошчаларини енгил ўзгартириш, триоль устидаги белгини ажратиш орқали эса («Tuplet» майдончасида) унинг кўриниш типини, (рақамлар, чўзимлар нисбати, тўртбурчак қавс) ларни созлаш мумкин.



Кўчувчи ойналарни яшириш



- Ушбу тугмача экрандаги барча ёқилган кўчувчи ойналарини олиб ташлайди.

3. Меню буйруқлари

Ушбу бобда асбоблар панелидаги асосий буйруқларни ва яна улар чақирадиган кўчувчи ойналарни ўрганиб чиққанимиздан кейин Sibelius 4 буйруқларини батафсил баён қилишга ҳаракат қиламиз.

Дастурдаги хоҳлаган ойнани очиб тоифалари бўйича тўпланган буйруқларининг рўйхатини кўрамиз. Бунда ҳар буйруқ тоифалари бошқалардан чизиқлар билан ажратилади. Шунингдек баъзи буйруқларнинг чап томонида у ёки бу буйруқ ўрнини босувчи клавишлар кўшилмасини кўрамиз.

Ундан ташқари, ҳар бир сарлавҳа ва ҳар бир буйруқ тагига чизилган битта ҳарфга эгадир. (File; Edit; View ва х.к). Бу ҳарфларни Alt клавиши билан биргаликда босилса менюни очиш ва буйруқларни сичқончани ишлатмасдан клавиатура орқали бажариш ҳам мумкин.

Эслатма. Sibelius 4 дастури расмий равишда инглиз тилида чиқарилади. Бу қўлланмада биз инглизча-ўзбекча баъзи ҳолларда эса русча сўзларни кўшиб ишлатишга ҳаракат қиламиз. Ушбу ҳолда меню номлари, буйруқлар ва шунга ўхшашлар инглиз тилида берилиб, унинг ёнига русча - ўзбекча сўзлар қўйилади.

«File / Файл» Менюси

✓ Ушбу менюда ҳужжатларни яратиш, очиш, сақлаш ва яна шунингдек дастурнинг баъзи бир созловлари жойлашган.

Буйруқ (Англ. / Ўзб.рус)		Клавишлар қўшилмаси	Вазифаси
New...	Янги...	Ctrl+N	Янги файл яратиш
Open...	Очиш ...	Ctrl+O	Мавжуд файлни очиш
Open Recent File	Сал олдинги файлни очиш		Сўнги қўлланилган 10 та файл рўйхати жойлашган
Quick Start...	Тез ишга тушириш ...		«Тез ишга тушириш»ойнасини очиш
Scan...	Сканерлаш...		Photo Score (дастури агар у ўрнатилган бўлса) сканер орқали нота олиш учун ишга тушади.
Append Score...	Партитурага қўшиш...		Партитура сўнгигига бошқа файлдан ноталарни қўшиш.
Close	Ёпиш	Ctrl+F4	Файлни ёпиш
Close All	Ҳаммасини ёпиш		Барча очик файлларни ёпиш
Worksheet Creator...	Блокнот (ён дафтарча) яратиш		Педагогик материал жойлашган тайёр «ишчи варақ»ларни очиш мумкин бўл- ган ойна очилади.
Add to Worksheet Creator	Блокнот (ён дафтарча) яратувчига қўшиш		Сизнинг партитура «ишчи варақ»лари - га қўшилади.
Edit Worksheets...	Блокнот (ён дафтарча) ни тўғирлаш		«Ишчи варақ»ларни даражаси бўйича ажратиш
Save	Сақлаш	Ctrl+S	Файлни сақлаш

Save as...	...сифатида сақлаш	Ctrl+Shift+S ¹	Бошқача ном остида сақлаш.
Save All	Ҳаммасини сақлаш		Барча очиқ файлларга киритилган ўзгаришларни сақлаш.
Export ⇒ ASCII Tab...	Экспорт қилиш ⇒ ASCII Tab...		Партитурани гитара табулатураси кўришида сақлаш.
Audio...	Аудио...		Kontakt Player (агар у ўрнатилган бўлса); - ёрдамчи WAV товуш файли
Graphics...	Графика...		- расм графикаси;
Manuscript Paper...	Қолип андоза...		- янги партитуралар яратиш қолипи, андозаси;
MIDI File...	MIDI Файли ...		- MIDI форматдаги куйлар;
Scorch Web Page...	Scorch Вэб- саҳифаси		Интернет-плагин (Sibelius Scorch) ёрдамидаги - Web- саҳифалар;
Sibelius 2,3 or Student...	Sibelius 2,3 ёки Student...		- Sibeliusнинг олдинги версияларидаги очиш мумкин бўлган ҳужжатлар.
Print...	Нашр...	Ctrl+P	Файлни нашрга жўнатиш.
Print All Parts...	Барча бўлимларини нашр қилиш		Аниқроғи: барча чолғулар партияларини нашр қилиш.
Publish on Sibelius Music.com	Sibelius Music.com да нашр қилиш		Дунё жамоатчилигини ўзингизнинг ноёб асарингиз билан хурсанд қилинг!
Publish on Sibelius Education.com	Sibelius Education.comда нашр қилиш		
Score Info...	Партитура маълумоти		Композитор, матн муаллифи ҳақида маълумот юритишга имкон яратади.
Preferences	Хусусиятлар....		Дастурини созлаш (очиқ кўринг – ўзингиз тушиниб оласиз)
Exit	Чиқиш	Alt+F4	Дастурни ёпиш

«Edit / Таҳрир» Менюси

✓ Бу менюда яратилган нота партитураси объектларини таҳрирлаш буйруқлари жой-лашган

Команда (Ингл. /Ўзб.рус.)	Клавишлар қўшилмаси	Вазифаси	
Undo	Бекор қилиш	Ctrl+Z	Бажарилган амални бекор қилиш
Redo	Қайтариш	Ctrl+Y	Бекор қилинган амални қайтариш
Undo History...	(Тарихни) бекор қилиш	Ctrl+Shift+Z	Бекор қилинган амаллар рўйхати очилади
Redo History...	(Тарихни) қайтариш	Ctrl+Shift+Y	Қайтарилган амаллар рўйхати очилади
Cut	Қирқиш	Ctrl+X	Ажратиб олинган парча алмашиш буферига ўтказилади.
Copy	Нусхалаш	Ctrl+C	Ажратиб олинган парча алмашиш буферига нусхаланади.
Paste	Киритиш	Ctrl+V	Ажратиб олинган парча алмашиш буферидан киритилади.
Repeat	Такрорлаш	R	Ажратиб олинган объектлар буйруғи ҳар бир чақирилганда такрорланади (клавиш босилади)

*Илгарилари бу клавишлар қўшилмаси ҳозир бир буйруққа бирлаштирилган «Hide» («Яшириш»), «Edit - Show» («Таҳрир- Кўрсатиш»), буйруқларига мос келар эди, пастроққа қаранг.

Delete	Олиб ташлаш	Backspace	Ажратиб олинган парчани олиб ташлаш
Flip	Айлантириб ташлаш	X	Объект (нота, лига, артикуляция белгиси ва бошқалар.) юқоридан пастга ва тескарига ағдарилади.
Voice ⇨ 1; 2; 3; 4; All; Swap 1 and 2 Swap 1 and 3 ...	Овоз ⇨ 1; 2; 3; 4; Ҳаммаси; 1 ни 2 га алмаштириш 1 ни 3 билан алмаштириш ... ва.х.к.	Alt+1 Alt+2 Alt+3 Alt+4 Alt+5 Shift+B	Ажратиб олинган объектлар: 1- овозга, 2- овозга ва ҳакозо берилади.. 1 ва 2 овоз жойлари алмашади 1 ва 3 овоз ва х.к.
Hide or Show ⇨ Hide/Show; Show in Score; Show in Parts Show in All	Яшириш ёки кўрсатиш ⇨ Яшириш кўрсатиш; Партитурада кўрсатиш; Партияларда кўрсатиш Ҳаммасини кўрсатиш	Ctrl+Shift+H	Ажратиб олинган объектлар: - Яширилади, ўша буйруқ тарорланганда эса қайтадан кўринади ; -Партитурада кўринади, партияларда кўринмайди; - Партияларда кўринади, партитураларда кўринмайди; - Ҳамма жойда кўринади.
Change Chord Diagram	Аккордлар диаграммасини ўзгартириш	Ctrl+Shift+K	Аккордлар диаграммасини ўзгартириш (гитара учун)
Color	Ранг...	Ctrl+J	Объект рангини танлаш
Reapply Color	Рангни қайтариш	Ctrl+Shift+J	Олдинги ажратиб олинган рангни қўллаш
Select ⇨ Select All; Select More; Select System Passage; Select None	Танлаш⇨ Барчасини танлаш; Кўпроқ танлаш; Тизимда пассажларни танлаш; Танловни олиб ташлаш	Ctrl+A Ctrl+Shift+A Ctrl+Alt+A	Танлашнинг турли йўллари.
Select Graphic	Графикани танлаш	Alt+G	Sibelius 4 нинг янги имконияти. Партитура парчасини тўғри бурчакли ҳошия билан танлаш. «Сору/нусхалаш» буйруғи билан ажратиб олинган соҳа расм кўринишида алмашиш буферига нусхаланади. Бу расмни хоҳлаган (ми-сол учун MS Word дастурида) киритиш мумкин
Filter ⇨	Фильтрлар ⇨		Алоҳида жадвалга қаранг
Find...	Излаш...	Ctrl+F	Руйхат бўйича партитурадаги объектлар (нота, матн ва бошқалар)ни излаш.
Find Next	Изланишни давом қилдириш	Ctrl+G	Олдин ажратилган объектни излашни давом қилдириш
Go to Bar...	Тактга юриш...	Ctrl+Alt+G	Партитурадаги керакли жойга ўтиш
Go to Page...	Саҳифага юриш...	Ctrl+Shift+G	

«Filter / Фильтрлар» Меню ости менюси

✓ Ушбу меню ости менюси партитурадаги бир хил объектларни кейинги таҳрир учун ажратиб олишни осонлаштиради..

Буйруқ (Ингл. / Ўзб.рус.)		Клавишлар қўшилмаси	Вазифаси
Advanced Filter...	Асосий филтр...	Ctrl+Shift+Alt+F	Рўйхат бўйича сайлаб олинган бир хил объектларни ажратиб олиш учун кен-гайтирилган имкониятли филтр
Chord Diagrams	Аккордлар диаграммаси		Кўрсатилган объектлар ажратиб олинади
Chord Symbols	Аккордлар рамзи		
Dynamics	Динамика	Shift+Alt+D	
Expression Text	Ифодавийлик матни		
Hairpins	Санқичлар		
Lyrics	Лирика		
Notes and Chords	Нота ва аккордлар		
Slurs	Лигалар		
Tuplets	Триоллар		
Voice 1	1 Овоз	Ctrl+Shift+Alt+1	Фақат кўрсатилган овоз объектлари ажратиб олинади
Voice 2	2 Овоз	Ctrl+Shift+Alt+2	
Voice 3	3 Овоз	Ctrl+Shift+Alt+3	
Voice 4	4 Овоз	Ctrl+Shift+Alt+4	
Voice 1 only	фақат 1 овоз		
Voice 2 only	фақат 2 овоз		
Voice 3 only	фақат 3 овоз		
Voice 4 only	фақат 4 овоз		
Top Note	Юқориги нота		Аккордлардаги тегишли ноталар ажратиб олинади.
2nd Note	2 – нота		
3rd Note	3 - нота		
Bottom Note	Пастки нота		
Top Note or Single Notes	Юқориги нота ёки алохида нота	Ctrl+Alt+1	Аккорддаги барча юқориги ноталар ва айрим ноталар ажратиб олинади.
2nd Note or Single Notes	2 – нота ёки алохида ноталар	Ctrl+Alt+2	Аккорддаги барча иккинчи ноталар ва айрим ноталар ажратиб олинади
3rd Note or Single Notes	3 - нота ёки алохида ноталар	Ctrl+Alt+3	Аккорддаги барча учинчи ноталар ва айрим ноталар ажратиб олинади
Bottom Note or Single Notes	Пастки нота ёки алохида ноталар	Ctrl+Alt+B	Барча пастки ноталар ва айрим ноталар ажратиб олинади

Player 1 (For Deletion)	1- овоз (олиб ташлаш учун)		Берилган овознинг барча объектлари олиб ташланади.
Player 2 (For Deletion)	2- овоз (олиб ташлаш учун)		

«View / (Кўриниш) менюси»

✓ Бу меню Sibelius – 4 дастурининг ташқи кўринишини созлайди

Буйруқ (Ингл. / Ўзб.рус.)		Клавишлар қўшилмаси	Вазифаси
Hidden Objects	Яширин объектлар	Ctrl+Alt+H	Экранга яширин объектлар тасвирини чиқариш
Live Playback Velocities	Жонли ижро тезлиги		Экранга «жонли ижро» суръатининг тасвирини чизиш (MIDI қурилмасидан кўчирилган файл билан ишлаш мумкин. Унда Sibelius темп ифодовийлиги вариацияларини «эслаб» қолади.)
Highlights	Ёритиш		Экранни («Ёритиш» қурилмаси билан ажратиб олинган жойларни) тасвирлаш
Note Colors ⇒ Notes out of Range Pitch Spectrum Voice Colors None	<i>Аниқ – нотлар ранги.</i> Нота Ранги ⇒ 1. Диапазондан ташқари ноталар 2. Патч спектри 3. Овоз ранги 4. Рангсиз		1. Қўлланилаётган чолғу асбоби диапазонидан ташқарида жойлашган барча ноталар ажратилади; 2. Барча ноталар ранглар спектрининг турли рангига ўзгаради; 3. Хар бир овоз нотаси тегишли ранг билан ажратилади; 4. Ноталар рангсиз тасвирланади.
Staff Names and Bar Numbers	Нота йўли номи ва такт номлари		Экранда хар бир чолғу ва хар бир такт рақами тасвирланади.
Layout Marks	Маркерлар жойлашиши		Экранда белгиларни тасвирлаш Нота йўлларини форматлаш.
Page Margins	Саҳифа чеккаси(чегараси)		Экранда саҳифа чеккаси (чегараси)ни тасвирлаш.
Rulers ⇒ Selection Rulers Object Rulers Staff Rulers	<i>Юқориги:</i> Йўналтирувчи ⇒ <i>Йўналтирувчи бўлинма</i> <i>Йўналтирувчи объект</i> <i>Нота йўлини</i> <i>йўналтирувчи</i> Қоида ⇒ Қоида ажратиб олиш Объект қоидаси Нота йўллари қоидаси	Shift+Alt+R Ctrl+Shift+Alt+R	Sibelius дастурида хар объект, бошқа объектга «боғлаб» қўйилгандир. Мисол учун нота йўли чегарасига боғланган бошқа объект (матн, белги, рамз ва бошқалар маълум нота пауза, такт чизиғига ва х.к.) ларга биркитилгандир. Ушбу буйруқ ажратиб олинса биркитилган объектгача бўлган масофани кўрсатувчи–чизиклар , йўналтирувчилар намоён бўлади. 1. Кўрсатилган объектларнинг йўналтирувчи; 2. Ҳамма объектларнинг йўналтирувчиси; 3. Нота чизигининг йўналтирувчиси.
Attachment Lines	<i>Юқориги –боғловчи</i> чизик Чизикнинг қўшилиши		Боғланаётган объектларнинг боғлов чизигини тасвирлаш
Playback Line	Ижро чизиғи		Ижро чизигини ўчиради / ёқади
Differences in Parts	Партиялардаги фарқлар		Партитурадан мустақил равишда партиялардаги объектларни таҳрир қилиш имконини беради, опцияларни ўчиради/ёқади
Full Screen	Тўлиқ экран	Ctrl+U	Дастур кўринишини тўлиқ экранда/ойнада қайта улайди.
Scroll Bar	<i>Юқориги –</i> Айлантириб кўриш йўллари Тактларни айлантириш		Ойна дастуридаги ўтказиб кўриш йўлакчаларини ёқади /ўчиради.

Toolbar	Асбоблар панели		Асбоблар панели тасвири
Zoom ⇨ Zoom Zoom in Zoom out	Кўлам ⇨ Кўлам Кўпроқ Камроқ <i>(тескари эмас)</i>	Ctrl + Ctrl –	Экранда тасвирланган кўламни ўзгартириш, ундан ташқари, Ctrl клавишни босиб сичқонча ғилдраги билан ҳам кўламни бошқариш мумкин.

«Notes / Ноталар» Менюси.

✓ Бу менюда ноталарни чиқариш ва таҳрир қилиш буйруқлари жойлашган.

Буйруқ (Ингл. / Ўзб.рус.)	Клавишлар қўшилмаси	Вазифаси	
Input Notes	Ноталарни киритиш	N	Ноталарни киритиб бошлаш
Re-input Pitches	Аниқроғи: нота баландлигини қайтадан киритиш Патчиларни ўзгартириш	Ctrl+Shift+I	Ноталарнинг эски чўзими қолдирилган ҳолда янги белгисини киритиш.
Flexi-time Input	Flexi-time киритиш	Ctrl+Shift+F	MIDI-клавиатурадан мусиқа киритиш (Flexi-time™)
Flexi-time Options...	Flexi-time опциялари...	Ctrl+Shift+O	Flexi-time опциялари
Arrange...	Аранжировка	Ctrl+Shift+V	Аранжировка (алоҳида бобни кўринг)
Edit Arrange Styles...	Аранжировка услубини таҳрир қилиш		Аранжировка услубини таҳрир қилиш
Transpose...	Транспортировка... (кўчириш) Аниқроғи: Кўчириш	Shift+T	Транспозиция (ажратиб олинган парча ёки бутун асарни янги тоналликка кўчириш)
Transposing Score	Партитурани кўчириш	Ctrl+Shift+T	Транспозиция қилинаётган (пуфлама) чолғулар партиялари автоматик равишда тегишли транспозицияда ёзилади.
Add Interval ⇨ 9th Above 8ve Above 7th Above 6th Above 5th Above 4th Above 3rd Above 2nd Above Unison 2nd Below 3rd Below 4th Below 5th Below 6th Below 7th Below 8th Below 9th Below	Интервал кўшиш⇨ 9 юқорига 8 юқорига 7 юқорига 6 юқорига 5 юқорига 4 юқорига 3 юқорига 2 юқорига Унисон 2 пастга 3 пастга 4 пастга 5 пастга 6 пастга 7 пастга 8 пастга 9 пастга	9 8 7 6 5 4 3 2 1 Shift + 2 Shift + 3 Shift + 4 Shift + 5 Shift + 6 Shift + 7 Shift + 8 Shift + 9	Ажратиб олинган нотага тегишли интервал кўшилади
Add Pitch ⇨ A B C D E F G	Баландликни кўшиш ⇨ А (ля) В (си) С (до) D (ре) E (ми) F (фа)	Shift +A Shift +B Shift +C Shift +D Shift +E Shift +F Shift +G	Ажратиб олинган нотага тегишли нота кўшилади

	G (соль)		
Cross-Staff Notes ⇨ Move Up a Staff Move Down a Staff	Нотлар нота йўли орқали⇨ Юқор.нота йўл.кўч. Паст.нота.йўли.кўч.	Ctrl+Shift+ ↑ Ctrl+Shift+ ↓	Бир нота йўлидан иккинчи бир нота йўлига кўчириш
Respell Accidental	Белгиларни қайтадан ёзиш		Ноталарнинг энгармоник алмашинуви
Reset Beam Groups...	Нурлар груҳини қайтадан ўрнатиш		Гуруҳлашни (ошкор қилинмаган миқдорга) ўзгартириш, тушириб ташлаш
Reset Stems and Beam Positions	Штиль ав нурлар ҳолатини қайтадан ўрнатиш		Штиллер узунлиги ва боғловчи нурлар оғиш бурчагини ошкор қилинмаган миқдорга ўзгартириш, тушириб ташлаш
Reset Guitar Tab Fingering	Гитара аппликатура сини қайта ўрнатиш		Гитара аппликатурасини ўчириш.

«Create / Яратиш» Менюси

✓ Бу меню ёрдамида нота партитурасининг ҳар хил объектларини яратиш мумкин. Унинг буйруқлари шу даражада кўп қўлланиладики, дастур яраувчилари уларни контекст менюсига қўшганлар: «Create» менюсини партитуранинг хоҳлаган бирон - бир бўш жойида сичқончанинг ўнг тугмачасини босиб киритиш мумкин.

Буйруқ (Ингл. / Ўзб.рус.)		Клавишлар қўшилмаси	Вазифаси
Bar ⇨	Такт ⇨		Тактларни қўшиш:
At End	Охирида	Ctrl+B	- партитура охирида;
Single	Битта	Ctrl+Shift+B	-Тахрир жойида;
Other	Бошқа...	Alt+B	- Тактлар сонини ажратиб олиш ёки ихтиёрий ўлчовли тактларни яратиш билан қўшиш
Barline ⇨	Такт чизиғи ⇨		
Start Repeat	Репризанинг бошлан.		
End Repeat	Репризанинг охири		
Double	Жуфт		
Dashed	Узуқ-узуқ		
Final	Сўнги		Ҳар-хил такт чизиқларини яратиш
Invisible	Кўринмас		
Normal	Нормал		
Tick	Нозик		
Short	Қисқа		
Between Staves	Нота йўли оралиғида		
Chord Diagram...	Аккорд диаграммаси	Shift+K	Гитарада ижро қилишда бармоқларнинг жойлашиши
Clef...	Калит...	Q	Калит белгисини қўшиш
Graphic...	Графика...		Тасвирни TIFF форматида киритиш
Highlight	Ёритиш		Ёритиш – қоғоздаги матни тез излаб топиш учун маркер билан ажратиб олиш зарурлигини эслатади.
Key Signature...	Калит белгилари	K	Калит белгиларини киритиш
Line...	Чизиқни	L	Чизиқлар деганда: лига, крещендо (диминуэндо), треллар, глиссандо ва чизиққа ўхшаш белгилар тушинилади.
Rehearsal Mark	Репетиция белгиси	Ctrl+R	Репетиция белгилари (яъни биринчи рақам ва х.к)
Symbol...	Рамзлар...	Z	Рамзлар - Sibeliusдаги шунга ўхшаш белгилардан хоҳлаган жойда жойлашиши, мусика ижросига таъсир қилмаслиги билан фарқ қилади.
Text ⇨	Матн ⇨		Алоҳида саҳифани кўринг.

Time Signature...	Ўлчов белгиси...	T	Ўлчов – рўйхат буйича ёки ихтиёрий
Tuplet...	Туплет... (Триоль! Бу сўзни қаердан ҳам топганлар?)	Ctrl+Тегишли рақам (ажратиб олинган нотадан)	Дуол, триоль, квартоль ва шунга ўхшашларни яратиш.
Other ⇨	Бошқаси ⇨		
Bar Number Change	Такт рақамини ўзгартиш		Ажратиб олинган такт рақами ўзгаради, ундан кейин рақамлаш ўзгарган тартибда давом қилади.
Bracket or Brace ⇨ Bracket Sub-bracket Brace	Қавс ва шакли қавслар⇨ Қавс Қўшимча-қавс Шакли қавс		Қавс ва акколадалар: Қавс Қўшимча қавс Акколада
Extra Slur Arc	Таржимасиз		Ажратиб олинган лигани марказдан эгиш мумкин.
Hit point	Таржимасиз		Синхронизация нуктасини (видео учун) ўрнатиш
Ossia Staff ⇨ Ossia above Ossia below	Таржимасиз		Ossia – бошқа ижро вариантини кўрсатувчи кичик қўшимча нота йўли.
Staff Type Change⇨ Pitched... Tab... Percussion...	Патчи тўғрироғи: Нота йўли типини ўзгартиш⇨ Патчи тўғрироғи: Нота баландлиги билан Таб Урма асбоблар		Нота йўли типларини даражалар бўйича қайтадан ўзгартириш.
Transposition Change...	Таржимасиз		Транспорт қилинаётган чолғулар транспозициясини (мисол учун in B Кларнетдан in A кларнетига) қўллаш.

«Text / Матн» меню ости менюси

✓ Бу ерда матн ёзувлари типлари тоифалар бўйича баён қилинади. Тоифаларнинг бунчалик даражада кўпчилиги бир қараида озроқ ўйлантириб қўйиши ҳам мумкин, лекин булар барчаси қуйидагича изоҳланади. *Sibelius* сиз томондан киритилган кўп нарсаларни, яъни динамика белгилари, темп ва яна шунингдек у ёки бу чолғу асбобида ижро қилиш усулларини “тушиниш”га ва шу белгиларни ижро қилишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам матн ёзувларининг мусиқа ижросига таъсир қилиши бўйича ва яна шунингдек саҳифадаги маълум бир ўрнига қараб тоифаларга гуруҳлангандир.

Ундан ташқари ўзингиз сайлаган тоифадан ажратиб олинган матнингизни киритаётиб, уларни териб ўтирмасдан сичқончанинг ўнг тугмачасини босиш орқали таёр сўз бирикмаларини рўйхатдан ажратиб олиб киритишингиз мумкин..

Буйруқ (Ингл. / Ўзб.рус.)	Клавишлар қўшилмаси	Вазифаси
Expression	Ctrl+E	Динамика (p , f , <i>crescendo</i> ва.х.к) ва ифода воситалари (<i>legato</i> , <i>staccato</i>) нинг белгиланиши
Technique	Ctrl+T	Ижро техникаси (<i>pizzicato</i> , <i>arco</i> , <i>tremolo</i>) - нинг белгиланиши.
Lyrics	Ctrl+L	Лирика – қўшиқ матнлари ана шундай шоирона номланган.
Lyrics verse 2	Ctrl+Alt+L	Лирика (2-қатор)
Chord symbol	Ctrl+K	Аккордлар рамзлари
Other Staff Text ⇨ (Другой текст стана)		Нота йўли устида жойлашган бошқа матн.

1st and 2nd endings		Қандай хохласангиз – шундай тушининг.
Boxed text		Рамкадаги матн
Figured Bass		Рақамланган бас (генерал-бас)
Fingering		Аппликатура
Footnote		Саҳифа пастадаги нота
Guitar fingering (p l m a)		Ҳарфий аппликатура
Lyrics (chorus)		Хор лирикаси -оддий лирикадан нимаси билан фарқ қилар экан?
Lyrics above staff		Нота йўли устидаги лирика
Lyrics verse 3		Лирика (3-қатор)
Lyrics verse 4		Лирика (4- қатор)
Lyrics verse 5		Лирика (5- қатор)
Nashville chord numbers		Балки бирон-бир фойдали нарсадир
Percussion stickings		
Plain text		Шунчаки матн (ҳеч нарса билан боғлиқ эмас, шунинг учун ҳам қулай)
Roman numerals		Рим рақамлари
Small text		Кичик матн
Time signatures (one staff only)		Ўлчов (битга нота йўли учун)
Title		Асар сарлавҳаси
Subtitle		Қўшимча сарлавҳа
Composer		Композитор номи
Lyricist		Матн муаллифи номи
Dedication		Бағишлов
Tempo	Ctrl+Alt+T	Темп
Metronome mark		Метрономлаштириш белгилари (Piu mosso, ritenuto)
Other system text ⇔ (тизимнинг бошқа матни)		Бошқа тизимдаги матн.
Block lyrics		Нота билан боғланган «Лирика»
Composer (on title page)		Титул varaғидаги композитор номи
Copyright		Муаллифлик ҳуқуқи
Header		Юқориги колонтитул
Header (after first page)		Юқориги колонтитул (1-саҳифадан кейин)
Footer (outside edge)		Пастки колонтитул (ташқаридан)
Footer (inside edge)		Пастки колонтитул (ичкаридан)
Header (after first page, inside edge)		Юқориги колонтитул (ичкарида 1-саҳифадан кейин)
Repeat (D.C./D.S./To Coda)		«Бошидан охиригача»деган сўзгача такрорлаш белгилари.
Title (on title page)		Титул varaғидаги сарлавҳа
Special text ⇔ (Махсус матн)		
Махсус матн: Унинг кўпчилик тоифалари вазифалари «plain text»дан кўп эмас.		

Ҳа, бу рўйхатдан ҳақиқатдан ҳам оғир тассурут ҳосил бўлади. Меню ҳаддан ташқари кераксиз ва бир-бирини такрорловчи буйруқлар билан тўлдириб ташланган. Балки улардан биронтаси баъзи ҳолларда керак бўлиб қолар.

«Play / Ижро» Менюси

✓ Ушбу менюда мусиқа, видео, ва шунингдек ижрони созлаш буйруқлари берилган.

Буйруқ (Ингл. / Ўзб.рус.)	Клавишлар қўшилмаси	Вазифаси
------------------------------	------------------------	----------

Play or Stop	Старт ёки Стоп	Пробел*	Ижро буйруқлари
Replay	Қайта ижро	Ctrl+Пробел	
Play from Selection	Ажратиб олинган ижро	P	
All Notes Off	Барча ноталар ўчирилган	Shift+O	
Move Playback Line to Start	Ижро чизиғини бошига ўтказиш	Ctrl+[Ижро чизиқларини алмаштириш
Move Playback Line to End	Ижро чизиғини охирига ўтказиш	Ctrl+]	
Move Playback Line to Selection	Ижро чизиғини ажратиб олиш	Y	
Go to Playback Line	Ижро чизиғига ўтиш	Shift+Y	
Live Playback	Жонли ижро	Shift+L	Sibelius MIDI курилмаси орқали «Flexi-Time» буйруқлари воситасида ёзиб олинган муסיқаларни ифодали ижро қилишга ҳаракат қилади.(Sibelius чалинган ҳар бир нота аккорднинг оҳангни «эслаб» қолади).
Transform Live Playback...	Жонли ижронини ўзгартириш	Ctrl+Shift+Alt+L	«Жонли ижро» ифодавийлигини қўлда ўзгартириш .
Performance...	Ижро...	Shift+P	Муסיқа ижроси опциялари: Espressivo, Rubato, реверберация ,акс садо (эхо) ва бошқа.
Video and Time ⇒ Add Video... Hit Points... Timecode and Duration... <размеры окна видео>	Видео ва вақт ⇒		Видео буйруқлари: Видеороликни киритиш; Синхронизация нукталарини киритиш; Вақт ва чўзимлар кўрсаткичларини сошлаш; Видео тасвирни (ойнада ёки тўлиқ экранда) ўзгартириш
Dictionary...	Луғат...		Муסיқа ижросига таъсир қилувчи сўзлар муҳарири
Playback and Input Devices...	Ижро ва киритиш курилмаси...		Курилмалар ойнаси очилади (см. стр.3)
Substitute Devices...	Курилмаларни алмаштириш...		Агар ноталар бошқа ижро қилувчи курилмалар ёрдамида ёзилган бўлса, ижро курилмасини сошлаш имкони бўлади.
Edit Sound Sets...	Овоз ўрнатишни тўғирлаш...		*) Фақат тажриба курилмалари учун, ўзига хос MIDI-курилмаларини аниқловчи файлларни сошлаш.

«Layout / Жойлаштириш» Менюси

✓ Ушбу меню буйруқлари ёрдамида варақдаги такт ва нота йўлларини тартибга солиб, терилган нота партитурасини форматлаш мумкин.

Буйруқ (Ингл. / Ўзб.рус.)	Клавишлар қўшилмаси	Вазифаси	
Instruments and Staves...	Нота йўллари ва асбоблар...	I	Партитурага янги чолғуларни киритиш ва яна шунингдек партитурадаги чолғулар жойларини ўзгартириш мумкин бўлган «Нота йўллари ва асбоблар» ойнаси очилади.
Focus on Staves	Нота йўли Фокуси	Ctrl+Alt+F	Бу буйруқ кўп сонли нота йўллари билан ишлашда сиз танлаган нота йўлини қайта чақириш берилгунча кўрсатиш имконини

* Sibelius 3 да пробелни босиш паузани киритиш (рақамли клавиатурадаги ҳозирги **0 Ins** га мос келар эди

			беради. (тузмача асбоблар панелида жойлашган)
Document Setup...	Ҳужжатни ўрнатиш...	Ctrl+D	Қоғоз ҳажми, нота йўллари, варақнинг қирғоқ чегараларини сошлаш .
Hide Empty Staves	Бўш нота йўлларини яшириш	Ctrl+Shift+Alt+H	Ёзув матни бўлмаган нота йўлларини яшириш
Show Empty Staves...	Бўш нота йўлларини кўрсатиш...	Ctrl+Shift+Alt+S	Бўш нота йўлларини кўрсатиш (хошишга кўра кўрсатиш)
Reset Space Above Staff	Нота йўли устидаги масофани қайтадан ўрнатиш		Нота йўллари оралиғи(ажратиб олинган нота йўлидан) ошқор қилинган масофага кўтарилади
Reset Space Below Staff	Нота йўли тагидаги масофани қайтадан ўрнатиш		Нота йўллари оралиғи (ажратиб олинган нота йўлидан) ошқор қилинган масофага тушириш
Align Staves...	Нота йўлларини текислаш...		Нота йўлларини бошқа саҳифага қараб текислаш. Бу буйруқ ишлаши учун текислаш зарур бўлган саҳифани ажратиб олиш зарур. Сиз очиладиган ойнадан бундан кейин форматнинг барча ўзгаришларини тақиқлашни, шунингдек қайси саҳифани намуна сифатида олиш (ажратиб олинган биринчи, ажратиб олинган охири, чап, ўнг) кабиларни ажратиб олишингиз мумкин.
Auto Layout...	Автоформат...		Саҳифалар бўлинишини автоматик равишда киритиш.
Break ⇨ System Break Page Break Split System Split Multirest	Узиш ⇨ 1. Тизимни узиш 2. Саҳифани узиш 3. Тизимни узиш 4. Мульти паузани узиш	Enter Ctrl+Enter	Ушбу буйруқни киритиш учун такт чизигини ажратиб олиш зарур.Буйруқларнинг аниқ вазибалари куйидагича: 1. Тизимни узиш. Навбатдаги такт янги тизим (нота йўли) дан бошланади . 2. Саҳифани узиш. Навбатдаги такт янги саҳифадан бошланади. 3. Тизимни бўлиш. Навбатдаги такт ўша сатрдан, лекин янги тизимдан бошланади. 4. Кўп тактли пауза иккита янгисига бўлинади
Format ⇨ Make into System Make into Page Keep Bars Together Lock Format Unlock Format	Формат ⇨	Shift+Alt+M Ctrl+Shift+Alt+M Ctrl+Shift+L Ctrl+Shift+U	Тўғри вазибаси: 1. ажратиб олинган тактлар бир тизимга жойлашади; 2. Тактларни бир саҳифага жойлаш; 3. Ажратиб олинган тактлар бир-бирдан ажаратилмайди; 4. Форматни тақиқлаш (ўзгаришларни тақиқлаш); 5.Форматни очиш
Align in a Row	Устун ичида тўғирлаш	Ctrl+Shift+R	Объектлар орқасидаги вертикал ва горизонталь масофаларни ошқор қилинган микдорга ўтириб ташланади.
Align in a Column	Устун ичида тўғирлаш	Ctrl+Shift+C	
Reset Note Spacing	Ноталар оралиғини қайтадан ўрнатиш	Ctrl+Shift+N	Ноталар оралиғи ошқор қилинмаган микдорга суриб ташланади.
Reset Position	Позицияларни қайтадан ўрнатиш	Ctrl+Shift+P	Ажратиб олинган объектлар позиция/дизайни ошқор қилинмаган микдорни қабул қилади.
Reset Design	Дизайнни қайтадан ўрнатиш	Ctrl+Shift+D	
Reset to Score Position	партитурадаги позицияларни қайтадан ўрнатиш.	Ctrl+Shift+Alt+P	Партиялардаги позиция/дизайн объектлари партитурада ўрнатилган микдорга

Reset to Score Design	Партитура дизайнига қайта ўрнатиш	Ctrl+Shift+Alt+D	ўтириб ташланади.
-----------------------	-----------------------------------	------------------	-------------------

«House Style / Шахсий ёки хонаки услуб» Менюси

✓ Бу менюда сиз (экранда ёки наирда) нота партитурасининг турли элементларини тасвирлаш услубларини тахрир қилишингиз мумкин.

Буйруқ (Ингл. / Ўзб.рус.)		Клавишлар қўшилмаси	Вазифаси
Edit All Fonts...	Барча шрифтларни тўғирлаш		Ошкор қилинган услубларни ўзгартириш
Edit Text Styles...	Матн услубини тўғирлаш	Ctrl+Shift+Alt+T	
Edit Lines...	Чизикларни тўғирлаш		
Edit Noteheads	Нота бошчаларини тўғирлаш...		
Edit Staff Types...	Нота йўли типларини тўғирлаш...		
Edit Symbols...	Рамзларни тўғирлаш		
Engraving Rulers...	Жилвирлаш (Гравировка) қоидаси...	Ctrl+Shift+E	Партитурадаги барча объектлар ташқи кўриниши ва услубини созлаш
Note Spacing Rule...	Нота позициялари қоидалари		Объектлар орасидаги интервалларни ошкор қилмасдан ўзгартириш.
System Object Positions...	Тизим объектлари позицияси...		
Default Positions...	Ошкор қилмаслик позициялари		
Import House Style...	Шахсий услубини импорт қилиш		«Шахсий услуб»нинг олдин сақланган соловларини қабул қилиш
Export House Style...	Шахсий услубини экспорт қилиш		«Шахсий услуб» соловини сақлаш

«Plugins» Менюси

✓ Ушбу менюда плагинлар – махсус ўрнатилган *ManiScript* тилида ёзилган қўшимча дастур модуллари жойлашган. Унда нота партитурасини қайта ишлашнинг турли имкониятлари мавжуддир. «Плагин»лар ёрдамида қилинган ишларини олиб ташлаш мумкин эмаслигини эсда тутуши зарур. Шунинг учун ҳам керак ўзгаришларни қабул қилиб, файлни сақламасдан ёпиш ва ундан кейин қайтадан очуши керак.

Плагинлар рўйхати анча катта бўлиб уларнинг барчасини билиш мутлоқо зарур эмас. Сиз ундан ўзингизга керак плагиннани топишингиз мумкин.

Буйруқ	Взифаси
Accidentals ⇨	Альтерация белгилари билан ишлаш:
Add Accidentals to all Notes	Альтерация белгиларини ноталарга қўйиш
Add Accidentals to all Sharp and Flat Notes	
Add Cautionary Accidentals	
Add Ficta above Note	Альтерация белгисини нота устига қўйиш
Respell Flats as Sharps	Диезларни энгармоник бемолларга алмаштириш
Respell Sharps as Flats	Бемолларни энгармоник диезларга алмаштириш
Simplify Accidentals	Ортиқча альтерация белгиларини олиб ташлаш
Analysis ⇨	Куйлар тахлили:

Add Schenkerian Scale Degrees	Ноталар устида гамма поғоналарини кўрсатиш
Compare Staves	Нота йўлларидаги ёзувларнинг фарқини кийёслаш
Find Motive	Мотивни топиш
Find Range	Диапазонни топиш
Batch Processing ⇨	Пакетларни қайта ишлаш:
Calculate Statistics for Folder of Scores	Sibelius ажратиб олинган хужжатли папкалар статистикаси (ҳисоботи) ни яқунлаш.
Convert folder of Acorn Sibelius Files	Бошқа дастурларда яратилган нота партитураларини ўтириш (конвертациялаш).
Convert folder of Finale Files	
Convert folder of MIDI Files	
Convert folder of SCORE Files	
Convert folder of Scores to Graphics	
Convert folder of Scores to MIDI	
Convert folder of Scores to Web Pages	
Import House Style into Folder of Scores	Папкада сақланаётган барча хужжатларга сақланган «Шахсий услуб» ни қўллаш
Print Multiple Copies	Бир қанча (рўйхатдан ажратиб олинган) хужжатлар нашри.
Composing Tools ⇨	Композиция (ижод) воситалари:
12-Tone Matrix	Ёрдам бера олмайман. Агар жуда зарур бўлса ушбу додекафонияни ўзингиз аниқлашга ҳаракат қилинг.
Add Drum Pattern	Партитурага урма асбобларнинг тўлиқ партияси киритилган!
Add Simple Harmony	Гармоник белгиларни киритиш
Invert	Куйни тескарига айлантириш.
Pitch Mapping	Баъзи ноталар баландлигини бошқасига айлантириш
Realize Chord Symbols and Diagrams	Аккорд рамзлари ва диаграммаларни қўллаш
Realize Figured Bass	Рақамли басни қўллаш
Retrograde	Сизнинг асарингиз (ёки ажратиб олинган парча) ҳақиқатдан ичидан ташқарига (дастлабки вариант сақланган ҳолда) ағдарилади.
Show Handbells Required	Фақат кўнғироқчали партияли асарлар учун. Кўнғироқчалар ижроси учун тавсия қилинган ноталар жойлашган такт қўшилади.
Notes and rests ⇨	Нота ва и паузалар:
Apply Shape Notes	Қўшимча нота бошчаларини қўйиш
Boomwhackers [®] Note Colors	Ҳайрон қоларли даражадаги рангли ноталар (агар кайфиятингиз ёмон бўлса, албатта бу плагинадан фойдаланинг!)
Color Pitches	Маълум бир рангли берилган ноталар типини ажратиб олиш
Combine Tie Notes and Rests	Бир хил номдаги лигаланган ноталарни ёнида турган паузалар билан боғлаш.
Convert Simple Time to Compound Time	Икки ҳиссали ритмни уч ҳиссали ритмга алмаштириш
Copy Articulations and Slurs	Артикуляция ва лигаларни нусхалаш
Double Note Values	Ноталар чўзимини икки баравар узайтириш
Duplicates in Staves	Иккита нота йўлидаги бир-бирини такрорловчи ноталарни топиш.
Halve Note Values	Нота чўзимини икки баробар қискартириш
Make Pitches Constant	Барча ноталар –бир хил баландликда
Remove Dangling Ties	«Осилиб» қолган (нота билан боғлиқ бўлмаган) лигаларни олиб ташлаш
Remove overlapping Notes	Чўзими тўғри келмайдиган ноталарни олиб ташлаш (MIDI ноаниқ конвертация қилинган пайтда ёки Flexi-Timени киритишда жуда фойдали)

Remove Rests	Куйдан барча паузаларни олиб ташлаш
Remove Unison Notes	Унисон ноталарни олиб ташлаш
Split Dotted Quarter Rests	Нуктали чорак паузаларни ажратиш
Straighten Written-Out Swing	Саккизталиклардан нукталарни олиб ташлаш
Other ⇨	Бошқалар:
Add Harp Pedaling	Арфа педалини қўшиш
Make Layout Uniform	Тактларни берилган шакл бўйича жойлаштириш
Preferences	Плагиналарни созлаш (тушинадиганлар учун)
Remove all Highlights	Барча ёриткичларни олиб ташлаш
Scales and Arpeggios	Юқориловчи/пастловчи гамма ва арпеджиоларни автоматик равишда тузиш
Set Metronome Mark	Метрономлаштириш белгиларини қўйиш
Playback ⇨	Ижро :
Cresc./Dim Playback	Ижро динамикаси ўзгаришларини қўллаб туриш
Harmonics Playback	MIDI буйруқлари кўрсатган гармонияни ижро қилиш
Ornament Playback	Мелизм (мордент, группетто) лар ижросини қўллаб туриш
Quarter-Tone Playback	MIDI буйруқлари ижроси
Strummer	Аккордлар ижросини импровизациялаш
Proof-Reading ⇨	«Партитурани профессионал даражада» кўриш
Check Attachments	Объектларнинг боғланиш ҳолатини текшириш
Check Clefs	Калитларни текшириш
Check for Parallel 5ths/8ves	Параллель квинта ва октавалар бор йўқлигини текшириш
Check Harp Pedaling	Арфа педалларини текшириш
Check Multiple Stops	Чолғу асбобида ижро қилиш қийин бўлган аккордлар бор-йўқлигини текшириш
Check Pizzicatos	<i>Pizzicato</i> ва <i>arco</i> ларнинг тўғри алмашилишини текшириш
Check Repeat Barlines	Репризалар тўғри ёки нотўғри қўйилганлигини текшириш
Proof-read	Юқорида баён қилинган функцияларнинг бир нечтаси битта флаконда.
What is Where	Партитурангизнинг таркибий элементлари ҳақида маълумотни тасвирлайди ва булар барчасини матн файлида созлайди.
Text ⇨	Матн билан ишлаш
Add Brass Fingering	Дамли асбоблар аппликатурасини қўшиш
Add Chord Symbols	Аккордлар рамзларини қўшиш
Add Note Names	Нота номларини қўшиш
Add Slurs to Lyrics	Бир нотадан кўпроққа чўзилувчи «лирика» сўзини ажратиб олиш
Add String Fingering	Торли асбоблар аппликатурасини қўшиш
Add Tonic Sol-Fa	Ноталарнинг эски ҳарфий белгиларини қўшиш
Add Verse Numbers	«Лирика»нинг ҳар бир сатри бошига номер қўшиш
Align Lyrics	«Лирика»ни текислаш (ҳатто жуда фойдали!)
Change Dynamics	Динамика белгиларини бир даража юқорига/пастга ўзгартириш.
Chord Symbols as Fractions	Аккордлар рамзларини «бўлинган форматда» тасвирлаш
Find and Replace Text	Матнни топиш ва алмаштириш (фақат <i>Expression</i> ва <i>Technique</i> матнлари учун)
Number Bars	Тактларни рақамлаш
Number Beats	Такт ҳиссаларини рақамлаш
Reposition Text	Матнни суриш (алмаштириш)
Save Lyrics	Матннинг файлдаги вокал матнни сақлаш. Жуда ажойиб

	нарса!
Smarten Quotes	Қавс ва апострофларни кўйиш
Traditional Lyrics Beaming	Ноталарни матнга мувофиқ равишда вокал грухига киритиш.
Edit Plug-ins...	Плагиналарни (<i>Manuscript</i> тилида) таҳрир қилиш
Show Plug-in Trace Window	Плагиналар ҳолатини кўрсатувчи махсус ойнани тасвирлайди.

«Window/Ойна» Менюси

✓ Ушбу менюда дастурлар ойнаси ва очиқ ҳужжатлар ойналарининг стандарт соловлари жойлашган.

Буйруқ (Ингл. / Ўзб-рус.)		Клавишлар Кўшилмаси	Вазифаси
New Window	Янги ойна		Янги ойна янги ҳужжат билан очилади
Tile Horizontally	Горизонт плиткалар		Очиқ ҳужжатлар ойналарини очиш режими
Tile Vertically	Вертикал плиткалар		
Cascade	Каскад билан		
Navigator	Навигатор	Ctrl+Alt+N	Кўчувчи ойналарни ёқиш/ўчириш
Keypad	Кўшимча клавиатура	Ctrl+Alt+K	
Playback	Ижро	Ctrl+Alt+Y	
Mixer	Микшер	Ctrl+Alt+M	
Kontakt Player		Ctrl+Alt+O	
Parts	Партиялар	Ctrl+Alt+R	
Video	Видео	Ctrl+Alt+V	
Properties	Хусусиятлар	Ctrl+Alt+P	
Hide Tool Windows		Ctrl+Alt+X	Кўчувчи ойналарни яшириш
Switch to Part	Партияга улаш	W	Партияларга уланиш
Next Part	Навбатдаги партия	Ctrl+Alt+Tab	Навбатдаги партия
Previous Part	Олдинги партия	Ctrl+Shift+Alt+Tab	Олдинги партия
< Очиқ ойналар рўйхати >			Ойналар ўртасида қайта уланиш рўйхати


«Help/ Ёрдам» Менюси

✓ Сиз ушбу менюни очиб Sibelius 4 дастурини ишлатиш бўйича ва яна шунингдек унинг кўшимча компонентлари ҳақида маълумотларни ўқишингиз мумкин. Бу меню бўлимларини баён қилиб ўтиришнинг эҳтиёжи йўқ.


II боб партитура билан ишлаш.

Янги ҳужжат яратиш.

Ниҳоят Sibelius 4 дастурининг барча асбобларини диққат билан ўрганиб чиқиб, дастур билан ишлаш ҳақида маълум бир тушинчага эга бўлганимиздан кейин партитура билан ишлаш бўйича амалий машғулотларга киришишимиз мумкин. «Файл» менюсидан буйруқ чақириб ёки Ctrl+N клавишлари қўшилмаси орқали янги ҳужжатлар яратамиз. «New Score» («Янги партитура») мулоқат ойнаси очилади:




«Manuscript Paper» сарлавҳали рўйхатда таёр асбоблар жамланган шаблон (андоза)лар жойлашгандир. Агар сиз партитурангизда нима янграши зарурлигига ҳозирча ишоч ҳосил қила олмаётган бўлсангиз «Blank» шаблонини танланг ва «Add Instruments...», тугмачасини босинг. Ана шундан кейин «Асбоблар ва нота йўллари» мулоқат ойнаси очилади.




✓ «Асбоблар ва нота йўллари»ойнасини ҳужжат билан ишлаш жараёнида агар янги асбобларни қўшиш ёки нота йўлларини юқорига/пастга кўчириш зарур бўлиб қолган пайтда ҳам очиш мумкин. Бунинг учун «Layout/Жойлашиш» менюсидан «Instruments and Staves...» буйруғини бажариш ёки шунчаки I тугмачасини босиш керак. «Move» сарлавҳали тугмачалар нота йўлларини юқорига ва пастга суриш, «Extra staff» сарлавҳали тугмачалар эса ажратиб олинган асбоб учун юқорида ёки пастда қўшимча нота йўли яратиш имконини беради.

Ўз асаримиз учун биз овоз (сопрано) ва фортепианони танладик. «ОК» тугмачасини босамиз. «New Score» ойнасида партитурамиз варағи тасвири намоён бўлади. Бунда доимо ошкор қилинмасдан До-мажор (ля-минор), ва 4/4 ўлчови ажратиб олинади. Агар бизни бу қониктирмаса «Finish» тугмачасини босамиз (бу тугмачани босиш натижасида барча мулоқат ойналари ёпилади ва таҳрир учун тайёр янги ҳужжат очилади). Бу бизга маъқул эмас ва биз «Next» («Навбатдаги») тугмачасини босамиз.



Очилган «House Style» («Шахсий услуб») ойнасидан биз ноталарни тасвирлаш услубларини ажратиб олишимиз мумкин. Бу ерда мавжуд услублар асосий учта тоифа (грух): нашрий (Opus и Helsinki), ва қўлёзма ноталарни ифодаловчи (Inkpen) ларга бўлинади. Барибир дастлаб «Unchanged» ни танлаймиз ва «Next» («Навбатдаги») тугмачасини босамиз. «Time Signature and Tempo» (ўлчов суръати) мулоқат ойнаси очилади:



Ушбу ойнадаги рўйхатдан хоҳлаган ўлчовни ажратиб олишимиз ёки ўз («Other») имизни тайнлашимиз, «Beam and Rest Groups» буйруғи воситасида нота қовурғалари ва паузаларнинг груҳланишини соzлашимиз мумкин. 8-талиқ, 16-талиқ ва 32-талиқ ноталар гуруҳи вергул орқали рақамлар билан белгиланади. Мисол учун «Group 8th (quavers as)» (8-талиқ ноталарни гуруҳлаш) сатрида биз томондан ажратиб олинган $\frac{3}{4}$ ўлчовида гуруҳлашнинг ҳар хил турларини кўрсатиш мумкин).

Мисол учун: «**3,3**»ни, қуйидагича гуруҳлаб оламиз:



Мана бундай: «**1,2, 1,2**»ни ҳам кўрсатиш мумкин

Натижада қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади:




Шундай тарзда қолган чўзимларнинг ҳам груҳланишини кўрсатиш мумкин. Албатта, иш жараёнида груҳлашни клавиатура ойнаси клавишлари билан хоҳлаган пайтда ўзгартириш мумкин.

«Pick-Up (Urbeat) Bar» буйруғи билан такт олди ўлчовини кўрсатиш мумкин. Пастда (матн ёки метрономлаштириш орқали) суръат кўрсатилади.

✓ Бу иш жараёнида ҳамма вақт «Create» («Яратиш») менюсидан «Time Signature» буйруғини бажариш ёки T клавишини шунчаки босиш орқали янги ўлчовни киритишимиз мумкин. Ушбу ҳолда ўлчов белгиси ажратиб олинган такт бошида пайдо бўлади. Агар ҳеч нарса танланмаган бўлса сичқонча курсори ажратиб олинган овоз рангини олади ва биз сичқонча тугмачасини чиққилатиш орқали керакли тактга ўлчов киритишимиз мумкин (ажратиб олиш ҳақида кейинроққа қаранг).

Ажратиб олинган такт ва кейинги тактларда нота мавжуд ҳолларда, дастур бизга бу ва кейинги тактларни янги ўлчовга мувофиқ қайтадан ёзиб чиқиш ёки чиқмаслик ҳақида савол беради. Агар «Ҳа» деб жавоб берилса дастурда баён қилинган ҳаракатни амалга оширади; аксинча «Йўқ» деб жавоб берилса ўлчов белгиси қўйилади, лекин ҳақиқий ўлчов олдингидек қолади. Янги ўлчов қўйилган матнга олинган ажратиб олинган ўлчов амал қилади..

Яна «Next» («Навбатдаги») тугмачасини босамиз. Кўз ўнгимизда **калит белгиларини** ажратиб олиш ойнаси очилади.



Ушбу ойнадан биз керакли тоналлик –фа минор (4 бемол) ни танлаймиз.

✓ Иш жараёнида «Create» менюсидаги «Key Signature» буйруғи ёки K клавиши орқали калит белгиларини ўзгартириш мумкин. Янги калит белгилари ҳам худди ўлчов каби, яъни ажратиб олинган тактдан бошлаб киритилади.

Сўнги марта «Next» («Навбатдаги») тугмачасини босамиз:

New Score

Score Info

Title:

Моя первая партитура

Composer/Songwriter:


Lyricist:

Copyright:

Copyright ©

Create title page

Other information:



Cancel

< Previous

Next >

Finish

«Score Info» («Хужжат ҳақида маълумот») мулоқат ойнасида ҳужжат сарлавҳасини, зарурият туғилса – композитор исми-шарифи, матн муаллифи, муаллифлик ҳуқуқларини киритамиз. Шунингдек муқова саҳифасини ҳам яратиш мумкин.

Юқорида баён қилинган операцияларнинг барчасини бажариш шарт эмаслигини эслатиб ўтамиз. «Finish» тугмачасини босиш орқали юқорида келтирилган ойналарнинг хоҳлаганидан чиқиб кетиш, ундаги буйруқларни кейинроқ бажариш ҳам мумкин. Лекин улар етарли даражада муҳим бўлиб эртами - кеч барибир уларни бажаришга тўғри келади.

Мана у – бизнинг мағрурона номланган янги ҳужжатимиз

Менинг *Sibelius* да нотага олган биринчи
партитурам!

Раъно

С. Акбарий сузи


Ик. Акбаров мусикаси

Шошылмасдан

3

6

Бар - но лар ич -



Бундай гўзалликдан завқланиб уни
қаттиқ дискда абадийлаштирамиз,
балки ундан ҳали келгуси аводлари-
миз ҳам завқланишар...

✓ Sibelius 4 дастури файлини sib форматидида сақлаш имконини беради (формат Sibelius 4). Бошқа форматларга кўчириш «File - Export»: меню буйруқлари воситасида sib (формат Sibelius 3 ёки 2 – дастурнинг анча олдинги версияларидаги файлларини очиш учун); wav (Kontakt Player ёрдамида); mid – оддий midi-файл; tab – гитара табулатураси ёзувли матнли файл; htm (Web-саҳифалар) орқали амалга оширилади. Шунингдек сиз ноталарни ҳар хил форматларда расм кўринишида сақлашингиз мумкин.

✓ Ундан ташқари сиз PDF Writer Pro дастурини олсангиз, ноталарни PDF форматидида (PDF Writer виртуал принтери ёрдамида уларни нашрга жўнатиш орқали) осонгина сақлашингиз мумкин.

2. Нота матнини сичқонча орқали киритиш

Энг бошидан нота матнларини териш икки йўл: сичқонча ва клавиатура билан амалга оширилишини айтиб ўтаемиз. Дастлаб **сичқонча** билан ишлашга ҳаракат қиламиз. Сичқонча билан ишлаш дастлаб мўйқаламни палитрага ботириб кейин бўёқни холстга суриб расм чизишга ўхшайди:

1.Курсорни йўналтириш ва сичқончанинг чап тугмачасини босиш орқали клавиатура ойнасидан бизга керакли чўзимни ажратиб оламиз, бу ҳолатда курсор бўлғуси нота рангини олади;

2.Нота йўлининг керакли жойига курсорни йўналтириб, сичқончанинг чап тугмачаси босилса ноталар пайдо бўлади.

Раъно

С.Ақбарий сузи

Ик. Ақбаров мусикаси

Шошылмасдан

Бир сатр нота терганимиздан кейин сичқонча билан нота териш албатта осонроқ, лекин жуда ҳам қулай эмас экан деган хулосага келамиз. Чунки ҳар бир янги чўзимда қайтадан клавиатура ойнасига мурожат қилиш ва сичқонча курсорини бутун экран бўйлаб олиб юриш, бунинг учун эса вақт ва яна шунингдек куч сарф қилишга тўғри келади. (!)

3. Ҳарфий нота териш

Клавиатура ёрдамида («Ҳарфлар ёрдамида») нота териш, ишни сичқонча ёрдамида нота теришга қараганда анча тезлаштиради. Лекин, унинг битта шарти бор. Сиз қуйидаги ноталарнинг ҳарфий номлари ва клавишлар қандай номланишни билишингиз ва эслаб қолишингиз зарур:

A – ля; **B** – си; **C** – до; **D** – ре; **E** – ми; **F** – фа; **G** – соль; **0 Ins** – пауза

Ҳарфий нота териш тамойили қуйидагича:

1. Сичқонча курсорини ноталарни киритиб бошлайдиган тактга йўналтириб, сичқончанинг чап тугмачасини бир марта чиққиллатиш орқали **уни ажратиб оламиз**.



2. Нота теришни бошлаш учун биз Notes («Ноталар») менюсидаги Input Notes («Ноталарни киритиш») буйруғидан фойдаланишимиз лозим. Бунга эса энг осон **N клавишни** шунчаки босиш орқали эришилади. Ушбу ҳолда тактда матнли курсор пайдо бўлади.

3. Клавиатура ойнасига назар ташлаймиз, унда аллақачон ошкор қилинмасдан чорак чўзим киритиб қўйилган. Биз *нуқтали чорак до* – товушини киритишимиз зарур. Шу мақсадда компьютердаги рақамли клавиатуранинг нуқтага мос келувчи бу айнан- **нуқта [Del]**, – клавишидир, кейин эса **C**. Клавишларини босамиз, ундан кейин бизга саккизталиқ *си - бемоль* (си бемоль калит олдига қўйилган, биз уни қўймаймиз) керак. Рақамли клавиатурадан **3 – PgDn** ни кейин **B** ни, кейин – *ре - бемоль* – саккизталиқ ва ниҳоят фақат **D** ни босамиз (ахир чўзим ўзгармайди - ку) ва шундай қилиб куйимизни охиргача олиб борамиз (тактлар етмай қолади деб кўрқмаслик керак) охирги такт тўлиши билан автоматик равишда янги такт пайдо бўлади.



Бошқа нота йўллари қиммат баҳо экран бўшлиғини банд қилмаслиги учун Focus on Staves (асбоблар панелимиздаги тугмача) буйруғи қўлланилиб, куй нота йўлида фақат фортепиано ўнг қўли учун терилади.

Албатта бундай усулда нота теришда ҳам камчиликларга йўл қўйиш мумкин, лекин улар нота териш жараёнида энгил бартараф қилинади.

Эса сақланг:

✓ Иккиталиқ, учталиқ ноталар ва бир бутун аккордларни киритилган ноталарга интерваллар қўйиш орқали яратиш мумкин. Интервал юқоридан клавиатурадаги мос келувчи рақамни оддий босиш, пастдан эса рақамларни Shift клавиши билан бирга босиш орқали киритилади. (10 бет, меню «Notes/Add Interval» - «Ноталар/ интерваллар менюсига қаранг»).

✓ Киритилган нота аккордларини R клавишини босиш орқали такрорлаш мумкин (меню «Edit/Repeat» - «Таҳрир/ Такрорлаш»).

✓ Альтерация белгилари, артикуляция, тремоло ва шунга ўхшашларни бевосита нота териш жараёнида, рақамли клавиатура клавишларини босиш орқали киритиш мумкин (клавиатура ойнасидаги қўшимча варақ – F8-F12 орқали бир бири билан қайта уланади).

✓ Нота матни бўйлаб ⇄ ва ⇨ клавиши ёрдамида харакатланиш мумкин.

✓ **Нотўғри киритилган нота баландлигини тўғирлаш учун.** ↓ ва ↑ – клавишларини босиш орқали уни юқори ва пастга бир тонга Ctrl –тугмачасини босиш орқали эса октавага кўчириш мумкин.

✓ Агар бир неча нота, бутун такт ёки тизим танланиб ↓ ва ↑ клавишлари босилса, барча ажратиб олинган ноталар кўчирилади.

✓ **Нотўғри киритилган чўзимни тўғирлаш учун [Del]**, клавишини босиш орқали ажратиб олинган нотаимизни олиб ташлаймиз ва нотани қайтадан киритамиз. Агар нотани олиб ташлаш истаги бўлса (айниқса бу жуфт нота ёки бир бутун аккорд бўлса), **[Esc]** клавиши орқали нота теришни тўхтатамиз кейин эса сичқонча курсори билан нота (аккорд) ни ажратиб оламиз ва керакли чўзим клавишини, ундан кейин найзасимон ўнг ва **[N]** клавишини босиб, нота теришни давом қилдирамиз.


✓ **[Del]** клавишини ажратиб олинган нотада босилса, у шу чўзимдаги паузага айланади.

Шундай қилиб, бизда фақат битта овоз киритилди. Нота мисолимиздаги ўнг қўл партиясида эса иккита овоз бўлиши зарур. **Иккинчи овозни** ҳам худди биринчи овоз каби киритамиз.

Сичқоча курсори билан 1 - овоз ноталари мавжуд 1 - тактга қайтамиз. Ноталар киритишни бошлаймиз. **Н клавишини** босамиз, Лекин иккинчи овозга ўтиш учун Alt ва 2 босамиз (Edit/Voice (Таҳрир/Овоз) менюсидан «2 Овоз» буйруғи), шу заҳотиёқ сичқонча курсори яшил (иккинчи овоз ранги) тусни олади. Энди биз куйнинг иккинчи овозини теришимиз мумкин. Иккинчи овоз партияси тайёр. «Focus on Staves» опциясини ёқамиз ва кўз олдимизда қолган бўш нота йўллари пайдо бўлади. Чап қўл партиясини ҳам қўшамиз ва натижада фортепиано партияси ҳам тайёр бўлади:



Яратилган партитурамизни кўриб чиқамиз дарҳол 3 - тактдаги бир-бирига ёпишмаган товушлар, 1 - овоздаги нуқтали чорак ва 2 - овоздаги яримталиқ ноталар кўзга ташланади. Нима қила оласан ишлашга тўғри келади! Бу пастки яримталиқ нотани пастки нота билан тенглаштириш учун салгина чапга, юқориги нуқтали чоракни эса озроқ ўнг томонга суришимиз зарур. Биз танишиб улгурган хусусиятлар ойнасидаги «General» ёрдамчи варағига муружаат қиламиз:




Сичқонча курсорини керакли нотага йўналтирамиз «General» ёрдамчи варағини очамиз унинг X координатларини ўзгартирамиз. Ҳаммаси тайёр!

Flexi-Time ни киритиш

Нота киритишнинг юқорида баён қилинган усулларида ташқари яна битта усул-куйни MIDI - клавиатура (Flexi-Time) да ижро қилишдир. Уни ҳам кўриб чиқамиз.

Сиз MIDI - клавиатурасини сотиб олиб, унинг дастур таъминотини компьютерга ўрнатиб, Sibelius ни ишга туширганингизда янги киритиш қурилмаси мавжудлиги ҳақида маълумот, ундан кейин «Playback and Input Devices» ойнаси очилиб, «Input Device»

ёрдамчи варағида MIDI - клавиатурангизнинг номи пайдо бўлади. Сиз уни фақат рўйхатдан ажратиб олишингиз ва синов учун бир - икки жуфт овозни ижро қилишингиз керак холос. Ушбу ҳолда индикаторлар ижронгиз тактига ҳамоҳанг шодиёна липпилайдилар (ёниб ўчадилар), бу эса қурилма ишга буткул тайёр эканлигидан далолат беради.



Ноталарни киритиш учун керакли нота йўлини танланг, ундан кейин эса ижро ойнасидаги «Flexi-Time»ни даставвал ўша ойнадаги созлагич билан темп (суръат) ни созлаб, қизил тугмачани босинг (маълумки, куйни даставвал секин темпда ижро қилиш, кейин эса ёзиб олинган куй темпини тезлаштириш осондир. Ундан ташқари тез ижро қилган пайтда ноталарни ўтказиб юборадиган ва адаштирадиган арзон MIDI - клавиатуралар учун бу жуда долзарбдир). Метроном зарбларига ҳамоҳанг ижро қилинг ва сиз танлаган нота йўлида ижро қилаётган куйингиз ноталари пайдо бўла бошлайди. Ундан ташқари ҳар бир овозни алоҳида - алоҳида ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Яна бир ажойиб имконият мавжуд: Сиз ҳарфий нота териш жараёнида А, В, С ва бошқалардан фойдаланмасдан шунчаки тайёр нота ва аккордларни MIDI -клавиатурадан киритишингиз мумкин. Пауза ва чўзимларни одатдагидек, рақамли клавиатура (ёки кўчувчи ойнадан сичқонча) билан кўрсатинг.

5. Объектларни ажратиб олиш

Сиз сичқонча тугмачаси босилган пайтда ноталарнинг қандай ажратиб олинишига албатта эътибор қилган бўлсангиз керак. Партитурадаги нота ва бошқа объектларни ажратиб олиш йўллари анча батафсил кўриб чиқамиз.

✓ **Ажратиб олиш** айнан ажратиб олинган объектлар билан бошқаларига таъсир қилмаган ҳолда у ёки бу амалларни бажариш имконни яратади. Ажратиб олинган объектлар экранда қайси овозга тааллуқли бўлса, ўшанинг рангини олади. Ажратиб олишнинг икки усули мавжуд:

Оддий ажратиб олиш – объектларни биттадан ажратиб олиш. Объектга курсор йўналтирилади ва сичқончанинг чап тугмачаси босилади, ажратиб олишга яна янги объект қўшиш учун Ctrl клавиши босилиб, сичқонча тугмачаси янги объект устида чиққиллатилади.

Пассаж билан ажратиб олиш – Партитуранинг узун қисмини ажратиб олиш. Мана шу ерда пассаж билан ажратиб олишнинг учта услубини бир-биридан ажратиш ва батафсил баён қилиш зарур:

1 Усул. Сичқонча курсорини тактнинг бўш жойига йўналтириб, унинг чап тугмачаси билан тактни танлаймиз: у «**такт пассажи**» деб номланувчи ёрқин кўк рамка билан ўраб олинади. Ундан кейин Shift тугмачасини босиб туриб, сичқонча билан кейинги тактларда чиққиллатамиз – пассаж ушбу тактларга (шу жумладан, тизимнинг бошқа нота йўлларига ҳам) тарқалади. Шундай қилиб асарнинг катта парчасини ажратиб олиш мумкин.

2. Усул. Сичқончанинг чап тугмачасини икки марта босиш орқали жорий саҳифадан ажратиб олинган нота йўлидаги, уч марта чиққиллатиш орқали эса бутун партитурадаги барча тактлар ажратиб олишга қўшилади. Ушбу ҳолда Shift клавишини босиб туриб сичқонча чап тугмачасини қўшни нота йўлида биттадан чиққиллатиш орқали нота йўлларини ҳам ажратиб олишга қўшиш мумкин.

3. Усул. Shift клавишини босиб тутиб турамыз. Кейин сичқончанинг чап тугмачасини босиб Windows йўл бошловчисига файл ва папкалар - тўрт бурчак билан ўраб олингани каби нота, такт, тизимларни такт пассажи билан ўраб оламыз. Ctrl клавишини босамиз ва тутиб турамыз, кейин сичқонча курсорини такт устига олиб бориб чиққиллатамиз. Иккинчи усулда такт объектлари ажратиб олинган бўлса, ушбу ҳолатда **бутун нота йўли тизимида** жуфт сиёҳ ранг рамка **тизимли пассаж** билан ўраб олиниб ажратиб олинади. Ушбу ажратиб олиш усулининг устиворлиги шундаки, ажратиб олишда тактнинг созловлари (мисол учун ўлчов) «эслаб» қолинади. Тизимли пассажни ҳам Shift клавишини тутиб туриб ва сичқончани қўшни тактларда чиққиллатиш орқали давом қилдириш мумкин.

✓ Тизимли пассаж билан ажратиб олинган такт (тактлар)ни хошишга кўра Del тугмачасини босиш орқали асардан бутунлай **олиб ташлаш** мумкин (шунингдек 44 бетдаги мисолга қаранг).

Биз объектларни ажратиб олиш усулларини кўриб чиқдик, лекин ихтиёримизда айнан биз кўрсатган объектларни автоматик равишда танловчи яна бир қудратли қурол – **фильтр** мавжуддир. Фильтр буйруқлари батафсил 8 – саҳифадаги – қўшимча меню Edit/Filter (Таҳрир/Фильтр) да баён қилинган.

Ҳақиқатдан ҳам буйруқлар рўйхати жуда каттадир, келинг, уларни ҳам ишимизда қўлаймиз. Ахир бизнинг нота мисолимиз ҳали ёзиб тугалланмаган - унда фортепиано ўнг қўли 1-овозини худди шундай такрорловчи сопрано партияси етишмаяпти. Биз бутун куйни қайтадан териб чиқмаслигимиз учун нима қилишимиз зарур?

1. Сичқонча курсорини фортепиано ўнг қўли нота йўлининг хоҳланган тактига йўналтирамыз. Бу ҳолда бутун нота йўли такт пассажи билан ўраб олинади.

2. Edit/Filter -Voice 1 (Таҳрир/Фильтр – 1 овоз) менюси буйруқларини бажарамиз ёки Ctrl+Alt+Shift+1 клавишлар қўшилмасини босамиз. Энди ўзимиз танлаган нота йўлида фақат 1- овоз ажратиб олинади.

The image shows two musical score excerpts. The top system is for Soprano and Piano. The bottom system is for Soprano (S.) and Piano (Pno.). Both systems are in 3/4 time and B-flat major. The piano part features a rhythmic accompaniment with eighth and sixteenth notes. The soprano part is mostly rests in the first system, and has a few notes in the second system.

6. Нусхалаш, қирқиш, киритиш.

Sibelius 4 дастуридаги нусхалаш, қирқиш, киритиш операциялари худди бошқа дастурлардаги кабидир. Лекин ҳали улар билан таниш бўлмаганлар учун қуйидагиларни тушинтирамиз:

✓ Нота мисолимиздаги ажратиб олинган парча нота йўлидаги вокал партиясига тушиши учун уни олдиндан компьютернинг хотира соҳасида махсус ажратилган жой - **алмашиш буферига нусхалашимиз** зарур - **алмашиш буферига** нота парчаси кейинчалик киритиш учун сақлаб турилади. (**Бу Edit (Таҳрир)** менюсидаги **Copy (Нусха)** буйруғи ёки **Ctrl+C** клавишларини қўшиш орқали бажарилади.

✓ Агар сиз бирон-бир парчани тўлиғича олиб ташлаб, уни янги жойга ўтказмоқчи бўлсангиз, бундай амал **қирқиш** деб аталади ва у **Edit (Таҳрир)** менюсидаги **Cut (Қирқиш)** буйруғи ёки **Ctrl+X** клавишлари қўшилмасини босиш орқали бажарилади.

✓ **Алмашиш** буферидан нусхаланган ёки қирқиб олинган объектларни киритиш **Edit (Таҳрир)** менюсидаги **Paste (Киритиш)** буйруғи ёки **Ctrl+V** клавишлари орқали амалга оширилади.

- Агар киритиш буйруғини бажаришдан олдан битта такт ажратиб олинган бўлса, парча ажратиб олинган тактдан киритилади;
- Агар бир қанча тактлар ажратиб олинган бўлса, парча ажратиб олинган тактларнинг биринчисидан киритилади;
- Агар бир ёки ундан ортиқ тактлар нусхаланган (қирқилган) ва ундан кейин кўп сонли тактлар «танланиб киритиш» буйруғи берилган бўлса, ажратиб олинган тактлар бир текис навбатма - навбат киритилаётган парча билан тўлдирилади;
- Агар киритиш буйруғи олдан нота ажратиб олинган бўлса, парча ушбу нотадан бошлаб киритилади.

✓ «Моданинг яна бир янги сўнги сўзи» ҳам бор. Хохлаган нарсани (нота, аккорд, пассаж, матн) ҳаммасини ажратиб оламиз, кейин сичқонча билан буни қўйиш керак бўлган жойни кўрсатамиз **сичқонча ғилдираги** ёки **ўнг ва чап тугмачаларни** бир вақтда босамиз. Тез ва қулай!

Нота мисолимизга қайтамиз. Биз ажратиб олинган куйни алмашиш буферига нусхаладик ва ундан кейин сопрано партиясининг биринчи тактини ажратиб олиб «Киритиш» буйруғини қўлладик. Ундан ташқари сопрано партияси барча ноталарига

клавиатура ойнасининг учинчи (F10) ёрдамчи варағидаги –  клавишини босиш орқали вокал грухлаши қўлланилди:



7. Нота матнини киритиш ва тахрирлаш мисоллари.

Нота матнини киритиш ва тахрирлашнинг бир қанча амалий мисолларини кўриб чиқамиз. Чап қўлда орган пунктли, бадихасимон фортепиано асаридан кичкина парчани келтирамиз ундан кейин эса қандай йўллар билан уни теришни оддийлаштириш ва автоматлаштиришни тушинтиришга ҳаракат қиламиз.

1. Фортепиано.



Келтирилган парчада биз учун янги: лига, пиано, крещендо/диминуэндо, фермата, чизиқли форшлаг каби деталлар мавжуд. Навбатма –навбат улар қандай яратилишини тушинишга ҳаракат қиламиз. Ишни куй ёзилишидан бошлаймиз.

Ўнг қўлдаги куй бутунлай аккордлардан иборатдир. Уларни икки йўл билан киритиш мумкин:

- 1) Нота териш жараёнида ҳар бир нотага интервал қўшиш (биз буни ўтган эдик);
- 2) Бир овозни териш, ундан кейин бутун куйни ажратиб олиб, интервалларни қўшиш.

Иккинчи усул анча қулай ва озроқ меҳнат талаб қилади. Нота йўлида ўнг қўлнинг юқориги куйини терамиз.



Куйли тактларни ажратиб олиб унга пастдан дастлаб кварта (Shift+4 клавишлари), кейин терция (Shift+3)ни қўшамиз. Бекарларни талаб қилинган жойларга қўйиб чиқамиз.

Иккинчи тактда хосил бўлган *ре-фа-си*, аккордидаги ре товушини юқорига кўчириб ва уни ля товушига айлантириб аккордни тўғирлаймиз.



Ана энди аккордлар тайёр бўлгандан кейин намунада кўрсатилган бошқа элементларни ҳам киритамиз:

1. Биринчи тактдаги **Piano**. у ёнида туриши керак бўлган аккордни танлаймиз. «Create» («Яратиш») менюсини очамиз ёки сичқонча курсорини олдиндан нотадан четга суриб қўйиб, унинг ўнг тугмачасини босамиз, натижада ўша менюнинг ўзи очилади (мавзудан четга чиқиб тушинтириб кетамиз, агар **сичқончанинг ўнг тугмачаси** нота устида босилса нусхалаш, киритиш, овозларни алмаштириш ва бошқа буйруқлар мавжуд нота контекст менюси очилади).

«Create» («Яратиш») менюсидан «Text» («Матн»), ундан кейин – Expression пунктларини танлаймиз. Бу буйруқни ишга тушириш учун менюни очиб ўтирмасдан дархол – Ctrl+E клавишлар қўшилмасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Кўз олдимизда ёниб ўчувчи матн курсори пайдо бўлади. Сичқончанинг ўнг тугмачасини босиб, тайёр буйруқлар рўйхатини очамиз ва ундан **p** ни ажратиб оламиз.

2. 2-чи такт аккорди устидаги **Акцент (Урғу)ни** танлаймиз, ундан кейин клавиатура ойнасидан урғу клавишини топамиз ва уни сичқонча ёки компьютернинг рақамли клавиатураси орқали босамиз.

3. 2-чи ва 3-чи такт аккордларини бирлаштирувчи **Легато**, уни киритиш учун биринчи аккордни танлаймиз ва **Enter** клавиши (экран ойнаси клавиатураси биринчи ёрдамчи варағида сичқонча билан **Tie** тугмачасини босамиз).

4. **Crescendo** ва **Diminuendo** лар чизиклар бўлганлиги сабабли, уларни «Create» («Яратиш») менюсидаги «Line» («Чизиклар») буйруғи ёки тугмачасини босиш орқали чақириш мумкин, очилган ойнадан бизга керакли чизикларни топамиз ва Crescendo ни «қайноқ клавиш» – H, Diminuendo ни – эса Shift+H клавишлар қўшилмаси орқали яратиш мумкинлигини билиб оламиз.

Баён қилинган усуллар билан чизикларни яратиб, улар жуда қисқа, фақат битта нота чегарасида эканлигини кўрамиз. Чизикларни «Пробел» клавиши ёки сичқонча билан **яна чўзиш мумкин**. Ундан ташқари сизни чизикларнинг жойлашиш ўлчами қо-ниқтирмаса, уларни сичқонча ёрдамида бурчагидан тутиб чўзиш ёки эгишингиз ҳам мумкин.

5. Сўнги тактдаги **Арпеджио** - у ҳам чизикдир. Олдинги ҳолатдагидек яратилади ва тахрирланади.

6. Сўнги тактдаги **Фермата** – бизга уни ойна клавиатураси охиридан олдинги ёрдамчи варақ сарлавҳасидаги фермата белгиси топишга ёрдам беради. Бу сарлавҳани сичқонча билан ёки F11 клавиши билан босамиз. Бу ерда фермата клавишига рақамли клавиатурадаги **1 End** клавиши тўғри келади. Аккордни танлаймиз ва ферматани кўллаймиз.

Нихоят олдимизда нота йўлининг иккинчи йўлида чап кўл партиясини териш вазифаси турибди. Бу ерда биринчи тўртта тактлар бир хил эканлигига эътиборимизни қаратамиз. Шу мақсадда дастлаб битта биринчи тактни терамиз.

7. **Гуруҳлашни ўзгартириш**. Агар биз ҳужжат яратаётган пайтимизда гуруҳлашни кўрсатамаган бўлсак 6 та саккизталиқ қовурғалари автоматик равишда қуйидагича бирлашади:



6 та саккизталикини ҳам битта қовурға остига бирлаштириш учун уларни ажратиб олиб оламиз ва клавиатура ойнасидан учинчи қўшимча варақни (унинг сарлавҳасида нота қовурғаси тасвирланган) очамиз ёки F10 клавишини босамиз. Кўз олдимизда Start of beam (қовурға бошланиши), Middle of beam (қовурға ўртаси) и End of Beam (қовурға охири) тугмачалари намоён бўлади. «Қовурға ўртаси»ни босамиз. Қолган барча қўшимча тактлар бўшлиғи сабабли ҳаммаси тахмин қилинганидек амалга ошади:



Бунга қўшимча тактларнинг қандай алоқаси бор? Жавоб шундай: биз «қовурға ўртаси» буйруғини танлаганимизда яна қўшни 8 талик (16-талик, 32-талик) ноталар мавжуд бўлса, нота қовурғаси уларни ҳам эгаллаб олади. Бундай ҳолда тактимиз чап четидаги нотани ажратиб олишимиз ва «қовурғалар бошланиши» клавишини босишимиз керак, ундан кейин ўнг томондаги четки нотани ажратиб олишимиз ва «қовурға охири» тугмачасини босишимиз зарур. Бу – келгуси учун эслатма.

8. Лига. Сиз Crescendo и Diminuendo чизикларини яратаётиб эътибор берган бўлсангиз, рўйхат бошида айнан лигалар турганини кўрган бўлишингиз керак. Улар ҳам **юқориги лига – S, пастки лига – Shift+S** «қайноқ клавиш»ларига эгадирлар. Лигаларни куйидаги усулда яратамиз: Биринчи нотани ажратиб олиб S клавишини босамиз. Бунда биринчи нотани иккинчи нота билан боғловчи лига пайдо бўлади. «Пробел» клавишини босиш орқали уни керакли нотагача олиб борамиз. Шунингдек лига шаклини сичқонча ёрдамида ўзгартириш ҳам мумкин.

✓ X клавиши ажратиб олинган объектни «ағдариб» ташлайди. Яъни X клавиши босилган пайтда юқориги лига пастки лигага айланади ва аксинча, ноталар штиллари юқорига - пастга артикуляция белгилари нота остига ва аксинча сурилади.

✓ **9.Такрорланувчи тактлар.** Бу албатта биринчи тактни нусхалашимиз, навбатдаги учта такт соҳасини ажратиб олиб уни киритишимиз мумкин, лекин,бошқа йўл ҳам мавжуд. Тактни танлаймиз ва R клавишини уч марта босамиз, тўртта бир хил такт тайёр!

10. Форшлаг. Бу форшлаг клавишини клавиатура ойнасининг иккинчи ёдамчи варағидан топамиз. Ундан ташқари оддий форшлаг (appoggiatura), нуқта (криллча «Ю» ҳарфи) ни босиш билан ҳам чақирилиши мумкин. Чизикли форшлаг эса ўнг томондаги ётиқ чизик (русча нуқта) ни босиш орқали чақирилади. Дастлабки асосий нотани ажратиб олиш форшлаг клавишини босиш ва ундан кейин форшлаг ноталарини оддий ноталар каби киритиш зарур. Форшлаг ошкор қилинмасдан 8 талик тарзида киритилади, лекин форшлаглар чўзимини, уларни ажратиб олиб, клавиатура ойнасидаги керакли чўзим клавишини босиш орқали ўзгартириш мумкин.

2. Хор. Хужжатини яратишда «Choir Reduction» андозасини кўрсатиб кичкина хор партитурасини яратамиз:



Даставвал олдимизда кўп сонли тактга эга варақ пайдо бўлади. бизга улардан бир нечтаси керак холос. Олдин 1 - овоз куйини ёзамиз. Ортиқча тактларни эса олиб ташлашимиз зарур. Бунинг учун Ctrl клавишини тутиб туриб, уларнинг биринчиси устида чиққилатамиз, натижада у тизимли пассаж билан ўраб олинади, ундан кейин энг сўнги тактни топамиз ва Shift клавишини тутиб туриб шу такт устида чиққилатамиз, натижада барча ортиқча тактлар тизимли пассаж билан ўраб олинади. Del клавиши орқали улардан холос бўламиз:

Энди иккита нота йўли такт чизикларини бирлаштирамиз. Бунга қуйидагича эришилади: Улардан биттасининг хоҳлаган такт чизиги қирғоғига сичқонча ёрдамида ёпишиш зарур (ушбу ҳолда у сиёҳ ранг кичкина тўртбурчак билан ажратиб олинади) кейин уни сичқонча ёрдамида иккинчи нота йўли томон тортиш керак. Энг асосийси, шу томонда иккинчи нота йўли мавжуд бўлган қирғоқ бўлиши зарур, акс ҳолда ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, шундай усул билан тескари операция (амал) ни ҳам бажариш мумкин).

Шундай қилиб биринчи овоз куйи ҳам тайёр:

Агар бундай ўйлаб қарасак қолган овозлар партиялари 1- овоз партиясидан жуда кам фарқ қилар экан, балки уларни киритишни соддалаштириш мумкиндир? Жавоб: мумкин эмас, балки зарур. Бизнинг мисолимизда куй жуда оддийдир, аммо куй ва ритм жуда мураккаб ҳолатларда бу жуда долзарб масаладир. Бунинг учун қуйидаги амалларни бажарамиз:

а) **1- овоз куйини танлаймиз** (қандай усулдалигини ўзингиз танланг).

б) **Пастдан Shift+4 клавишлари билан квартани киритамиз** (терцияни ҳам киритиш мумкин эди, лекин ушбу ҳолатда бизга кварта яқинроқ).

в) **Барча иккинчи ноталарни танлаймиз.** Бунинг учун Edit/Filter – Second Note (Таҳрир/Фильтр – Иккинчи нота) менюси буйруғини бажарамиз ёки Ctrl+Alt+2 клавишларини босамиз.

г). **Ажратиб олинган ноталарни иккинчи овозга тайинлаймиз** (Alt+2 клавишлари)

Сопрано ва альтлар нота билан таъминландилар. Энди эркаклар хори таркибига ўтамыз.

а) Тўрта тактнинг ҳаммасини иккала овози билан ажратиб оламиз.

б) Уларни нусхалаб, иккинчи нота йўлига киритамиз. Ушбу ҳолда бас калити ноталари ўта юқори жойлашиб қолади. Дастлаб уларни Ctrl+↓ клавишларини босиб орқали ҳеч бўлмаганда бир октава пастга туширамиз.

в) энди тенор партияси ми нотасидан бошланиши учун, найза (стрелка)ли клавиш-ни икки марта босиб ажратиб олинган ноталарни юқорига чиқарамиз.

г) иккинчи овозни Edit/Filter – Voice 2 (Таҳрир/Фильтр – 2- Овоз) менюси буйруғи билан ёки Ctrl+Shift+Alt+2 клавишларини босиб орқали ажратиб оламиз.

д) иккинчи овоз партиясининг до товушидан бошланиши учун уни найзани(стрелка)ни босиб юқорига кўтарамиз, Мана нима ҳосил бўлади:

Бизга энди хато ёзилган ноталарни тўғирлаш учун найзали клавишни босиб, басдаги охирги до ноталарига пастдан октавани кўшиш каби жуда озгина ишлар қолди. Форте ва легатоларни киритиш каби ишлар эса – сурнайчидан бир пуф.... деганидек.

3. Триолли секвекциялар.

Ушбу мисолда фортепиано ўнг қўл партияси келтирилган (бу биз учун керагидан ҳам ортикчадир).

Дастлаб юқориги куйни териб бошлаймиз (пастки куйдан ҳам бошлаш мумкин, бу дидингизга боғлиқ) терцияни эса кейин кўшамиз.

Триолларни яратиш учун куйидагиларни амалга ошириш зарур: Дастлаб саккизталиқ ми нотасини киритамиз ва Ctrl+3 клавишларини босамиз, натижада паузалар ўрнига ноталарни киритиш керак бўлган тайёр триоль ҳосил бўлади (Саккизталиқ ноталар бўлиши шарт эмас, триол чўзимларидан ошмайдиган хоҳлаган чўзимни олиш мумкин):

Триолни ва унинг кетидан иккита саккизталиқни ҳам киритиб тўхтаймиз. Ахир бизнинг куйимиз (дастлаб юқорилувчи - кейин пастловчи) секвенцион куй-ку! Бизда секвенция мотиви аллақачон терилган. Ноталарига терцияларни қўшамиз, кейин терилган тактнинг яримини Shift клавишини босиб такт пассажи билан ажратиб оламиз:



R клавишини босамиз, тактнинг иккинчи қисми ҳам шундай куй билан тўлишади. Уни найзали клавишни \hat{u} икки марта босиш орқали терцияга кўтарамиз. Ундан кейин энди бутун тактни ажратиб олиб R клавишини босамиз: Иккинчи тактни бутунлигича терцияга кўтарамиз:



Кейинги тактда куй сал ўзгаради ва натижада унга битта мотив (ярим такт) киритиб уни тўғирлаш, кейин эса секвенцияни охиригача «босиб» ташлайвериш мумкин.

8. Вокал партияларининг ёзилиши

Маълумки инсон овози хоҳлаган бирон - бир чолғу асбобидан, товушдан ташқари тингловчига сўз билан таъсир қилиши билан ҳам фарқ қилади. Бу олийжаноб ишда унга ёрдам бермаслик, биз томондан йўл қўйилган ичи қоралик бўлур эди.

Мисол сифатида «Садко» операсидан варяг меҳмони ариясининг биринчи сатрларини оламиз:






О ска - лы гроз-ны - е дро-бят-ся сре-вом вол-ны и бе - лой пе-но-ю, кру-

Энди диққатингизни «с ре - вом» кўшилмасига қаратинг. Олдин пробел ёки чизикчани ҳар бир босиш билан курсор янги нотага ўтади - дейилган эди. Қандай қилиб кўшимча «с» ва «ре-» бўғини бир нота тагига олиб келинди?

✓ Ctrl + Пробел ва Ctrl + чизикча комбинациялари орқали кейинги нотага ўтмайдиган пробел ва дефис (чизик) ларни қўйиш ва шундай қилиб бир нотага бир неча бўғин (сўз) ларни боғлаш мумкин).

9. Транспозиция

Транспозиция (куйни бир тоналликдан иккинчи бир тоналликка кўчириш) шу даражада кўп қўлланиладики гўё баслар баритон, меццо-сопрано эса сопрано учун ёзилган асарларини куйлаши модага киргандай!. Лекин бу овозлар диапозони барибир бир - биридан фарқланганлиги сабабли асарларни мисол учун терция ёки секунда пастга кўчириш ҳақида бетўхтов таклифлар туғилаверади. Нима ҳам қила оласан, айтганларку, бола кўнглига нима келса қилсин лекин йиғламасин....Шундай қилиб биз бу вазифани «Notes/Transpose...» («Ноталарни/Кўчириш...») менюси буйруқлари ёки **Shift+T**. клавишларини босиш орқали ҳеч бир қийинчиликсиз ҳал қила оламиз. Олдиндан («Edit/Select-Select All» - «Таҳрир/Ажратиб олиш - Ҳаммасини ажратиб олиш») буйруқлари ёки Ctrl+A клавишлари орқали бутун асар ёки унинг парчасини, агар фақат шу парча кўчирилиши зарур бўлса) ажратиб оламиз. Қуйидаги ойна очилади:



Опциялар куйидагича:

- **Up** – Юқорига(транспонировать) кўчириш;
- **Down** – Пастга(транспонировать)кўчириш;
- Интервал типини ажратиб олиш:
 - **Major/Perfect** – Катта /соф интервалга;
 - **Augmented** – Орттирилган интервалга;
 - **Minor/Diminished** – Кичик/камайтирилган интервалга;
 - **Diatonic** – диатоник кўчиш;
- Интервал ажратиб олиш;
- **Transpose key signatures** – Калит белгиларини ўзгартириш;
- **Use double sharps/flats** – дубль-диез/дубль-бемолларни қўллаш.

Ушбу барча опцияларни ажратиб олиб, ОК клавишини босганингиздан кейин, ажратиб олинган асар (ёки унинг парчаси) аниқ ва тўппа- тўғри янги тоналликка (калит белгилари ўзгариб ёки ўзгармай) ўтади.

10. Аранжировка

Sibelius дастури мусика асарларини аранжировка қилувчи ажойиб функция (Arrange™) га эга. Унинг ёрдамида сиз, мисол учун фортепиано партитурасини турли таркибдаги чолғулар учун оркестрлаштиришингиз ёки аксинча, оркестр партитурасидан фортепиано клавирини яратишингиз мумкин (!)

Sibelius маълумотномасидан олинган билимлар билан қуролланган ҳолда аранжировка тамойилларини баён қилишга ҳаракат қиламиз:


1. Дастлаб сиз аранжировкани жойлаштирмақчи бўлган партитурага чолғулар нота йўллариини жойлаштиринг.

2. Аранжировка қилиш учун мўлжалланган бутун мусиқани тўлалигича танланг: Дастлаб битта нота йўлини (агар сизга охиригача ҳаммаси керак бўлса - сичқончани уч марта чиққиллатинг) ундан кейин Shift- клавишини бир мартадан чиққилатиш орқали аранжировка қилиш учун мўлжалланган мусиқалар жойлашган нота йўллариини танланг;

3. Сору буйруғини бажаринг (Нусхалаш Ctrl+C клавишлари);

4. Энди аранжировка жойлашиши керак бўлган чолғу асбобли нота йўллариининг биринчи тактларини танланг, (охиригача ҳаммасини ажратиб олиш шарт эмас). Агар сиз бутун асарни эмас, балки унинг бир парчасини такт ўртасидан аранжировка қилиб бошламоқчи бўлсангиз, ушбу тактнинг ҳар бир нота йўлида тегишли паузаларни албатта қўйинг.

5. Notes-Arrange меню буйруғи (Ноталар - Аранжировка, «қайноқ клавишлар») Ctrl+Shift+V буйруқларини бажаринг. Экранда аранжировка услубини ажратиб олиш ойнаси очилади:



6. Рўйхатдан энг мақул усулни танланг, ОК клавишини босинг ва бир неча секунддан кейин сиз натижани оласиз.

Албатта, компьютер – инсон эмас, унинг билан автоматик равишда профессионал оркестрлаштиришга эришишнинг иложи йўқ. Лекин яхши натижаларга эришиш учун куйидаги тавсияларга риоя қилинг:

- Аранжировка амалга ошириладиган ҳар бир нота йўлида бошидан охиригача доимий овозлар сони бўлиши керак;
- Агар сиз битта нота йўлида иккита куй йўналишини сезиб қолсангиз, уларни икки овога ажратишга ҳаракат қилинг ва аранжировкангиз анча ранг баранг бўлади.
- Мисол тариқасида куйидаги тактни «2 families (block): Woodwind (faster)+Strings», услубини қўллаб партитурага флейта, кларнет in E, скрипка ва виолончель қўшган ҳолда аранжировка қилинг:

Зерикарлироқ чикди, энди партияларни 2 овозга бўламиз:

Биз танлаган услубда, унинг номидан ва натижаларидан кўриниб турганидек анча тез партиялар ёғоч пуфлама, анча секин партиялар фактуралари эса торли асбобларга тақсимланган, ҳаммаси жуда яхши чикди. Шундай, қилиб кейинги тавсиялар куйидагича:

- Натижаларнинг хилма - хил бўлиши учун аранжировка қилишни бир неча этапга бўлинг. Мисол учун сиз дастлаб фортепиано ўнг қўл партиясини ажратиб олиб уни ёғоч пуфлама асбобларга, кейин чап қўл партиясини ажратиб олиб уни торли асбобларга аранжировка қилишингиз мумкин;
- Сиз, аранжировка қилинган чолғу партиялари ҳамма вақт ҳам уларнинг ҳақиқий диапазонларига тўғри келавермаслигини билишингиз керак. Шунинг учун ҳам октаваларни қўлда, ўзингиз қандай хоҳласангиз шундай тўғирлашингизга тўғри келади.
- **Аранжировка услублари**

Sibelius мусиқангизни аранжировка қилаётган усул, ҳар бирида овозларни чолғуларга тақсимлашнинг турли услублари мавжуд бўлган сиз танлаган усулга асосланади.

Шуни айтиш зарурки, услубларнинг сони анча кўп бўлиб, улар тоифаларга бўлингандир ва биз уларни умумлаштирилган ҳолда кўриб чиқамиз. Керакли аранжировка услубини ажратиб олиб, услубларни ажратиб олиш ойнасидан ҳамма вақт ҳам, ҳар бир

услугага инглиз тилида берилган қисқача баёни ўқий олмаймиз. Шунинг учун ҳам баъзи бир аранжировка услубларини кўриб чиқамиз.

- **«Explode» – «Бўлиб ташлаш».**

Ушбу услуб қўлланилганда аккордлар ноталари мисолда кўрсатилганидек айрим - айрим нота йўлларига бўлиб ташланади:

The diagram illustrates the process of 'Explode' reduction. On the left, a piano accompaniment is shown with a grand staff (treble and bass clefs). A grey arrow points to the right, where the same musical material is distributed across four individual staves for Violin I, Violin II, Viola, and Violoncello. Each instrument part contains a single note from the original piano chords, demonstrating how the texture is 'exploded' into individual voices.

- **Keyboard Reduction** (оддий қилиб рус-ўзбекча айтганда(фортепиано клавири).

- Ушбу услубнинг учта вариантдан фойдаланиб (ҳар - бир нота йўлида битта ёки ундан ортиқ овоз билан) биз ҳеч қандай қийинчиликсиз тескари ҳаракатни амалга оширишимиз яъни чолғуларнинг барча партияларини иккита нота йўлида жойлаштиришимиз мумкин. Бизнинг ҳолатимизда «*up to 2 voices per staff – 2-овозгача*» режимдан фойдаланишимиз қулайроқдир. Акс ҳолда (битта овоз билан) биз тескари натижага эга бўламиз:

The diagram shows a piano reduction of a musical passage. The grand staff has two staves. A red circle highlights a specific area in the bass clef staff where two notes are written on a single staff, illustrating the 'up to 2 voices per staff' technique mentioned in the text.

- **Reduction.**

Ушбу ҳолатда керакли овозлар сонидан фойдаланиб, барча партиялар нота йўлларининг ихтиёрий сонига (шунингдек, битта нота йўлига) жамланиши рўй беради. Мана куйимизнинг битта нота йўлида жойлашиши. Кўриниши унчалик эмас, лекин барибир яхши !):

The diagram shows a single staff reduction of a musical passage. The notes from the previous grand staff are now written on a single staff, demonstrating how the texture is condensed into one voice.

Аранжировканинг қолган услублари кўриниши бўйича қандай чолғу асбоблари ансамблига мўлжалланган бўлса ва овозларнинг тақсимланиши услуби бўйича бўлинади.

Шунингдек кўп сонли услублар орасида номларида «Block» ва «Mixed» сўзлари учрайдиган турлари ҳам мавжуд. Бу оркестрлаштириш учун мўлжалланган, иккита **Блок** ва **аралаш** типга бўлинувчи услублардир:

Блок типдаги услублар (улар номларида **block** сўзи қатнашади). Ҳар – хил муסיқа материали типини турли чолғу асбоблари оиласига жойлаштиради. Мисол учун баъзан оркестрда ёғоч пуфлама чолғулар тез пассажли партияларни, мис пуфлама чолғулар эса анча секин фактурали партияларни ижро қиладилар. Лекин бу ҳамма вақт ҳам шундай эмас, чунки яна шундай стиль(усуб)лар мавжудки, унда секин ижро қилинувчи муסיқалар аксинча ёғоч пуфлама чолғулар нота йўлларига жойлаштирилади.

Аралаш услуб (стил) лар (улар номларида **mixed** сўзи қатнашади) ҳар оиладаги муסיқа асбоблари учун бир-бирини такрорлаш имконини яратади. Яъни, бир-бирига ўхшаш диапазонли чолғулар (мисол учун, скрипки ва флейта) лар битта партияни ижро қиладилар.

1 оилали (1 family, бир хил таркибдаги чолғули) ва 2 оилали (2 family, ҳар - хил типли чолғули) аранжировка услублари муסיқани фақат услуб номида белгиланган чолғулар учун аранжировка қилади. Мисол учун сиз оркестр партитурасидан барча нота йўлларини ажратиб олиб «*1 family: Woodwind*» (**1 оила: Ёғоч пуфлама чолғулар**) услубида қўллашингиз мумкин. Ушбу ҳолда муסיқа фақат ёғоч пуфлама чолғулар учун аранжировка қилинади. Ёғоч пуфлама чолғулари нота йўлларининг ҳаммаси танланмаса ҳам бўлади - ушбу ҳолда муסיқа фақат сиз танлаган муסיқа асбобларига аранжировка қилинади.

Биринчи ва иккинчи услуб оилалари «Блок» ҳам ва бошқа аралаш конфигурацияларда ҳам тақдим қилинган.

Оркестр услублари (Orchestra) бароккоддан тартиб то импрессионизмгача ва замонавий услубларнинг муסיқий услубларига мувофиқ гуруҳлангандир. Сиз оркестрлаштириш учун бирданига барча муסיқа асбобларини танлаган ҳолларда кўпчилик оркестр услублари *tutti* ни ҳосил қилади (яъни оркестр доимо тўлиқ таркибда ижро қилади). Агар сиз буни хохламасангиз керакли чолғу асбобларини ажратиб олиб партитурани бўлакларга бўлиб оркестрлаштиринг.

«**Аралаш ансамбллар**» («Mixed Ensemble») типдаги бошқа услублар ўзига хос ранг-баранг эффе́ктлар ҳосил қилиш учун кичик чолғу гуруҳларини оркестрлаштиришда қўлланилиши мумкин. Сиз бу услубларни қўллашда ўзига хос (махсус) нота йўлларини ажратиб олишингиз зарур. Сиз уларнинг барчасини фақат танлай оласиз, услуб эса фақат ўзи учун мўлжалланган чолғу асбобларидан фойдаланади. Қайси чолғу асбобига мўлжалланганлигини билиш учун ҳар бир услуб таърифини диққат билан ўқиб чиқинг.

Хор услублари – хорнинг ҳар - хил стандарт эффе́ктлари, мисол учун сопранонинг тенор билан октава орқали ёки ички овозлардан бирининг аккомпонементни таъминловчи бошқа партиялар билан иккиланиши каби ва ҳоқозаларни яратади. Хор услублари асарни овозларнинг исталган таркибига аранжировка қилиш учун қўлланилиши мумкин (мисол учун: S.S.A.A., T.V.V. ёки анъанавий S.A.T.V.).

Агар сиз хор муסיқаси клавирини яратмоқчи бўлсангиз, шунчаки «Keyboard Reduction (фортепиано клавири)» услубидан фойдаланинг.

Услубларни ажратиб олиш сизга ҳавола!

III боб Хужжатларни жойлаштириш.

1. Тактларни жойлаштириш

Иш жараёнида тез-тез тактларни тизимда ўз хохишимизга кўра жойлаштириш истаги туғилиб қолади, лекин, дастур баъзан бизга керакли тактни ўжарлик билан янги сатрга, ҳатто саҳифага ҳам суриб ташлайди. Ундан ташқари битта кичик асар (ёки асар парчаси) ни бир биридан ажратиш (узоклаштириш) керак бўлиб қолиши ҳам мумкин. Буларнинг барчасида такт ва нота йўлларини жойлаштирувчи воситалар бизга ёрдам беради. Уларни аниқ мисолларда кўриб чиқамиз.

1. Сичқонча билан ишлаш. Баъзан бир нечта тактни бир сатр (саҳифа) да жойлаш керак бўлиб қолади, қандайдир бир такт кейинги сатр (саҳифага) «сирғаниб» чиқиб, ҳужжатни бузади. Ушбу ҳолда биз ноталар (ёки нота ва такт чизиғи) оралиғидаги масофани қисқартириш мумкин эканлигини кўрамиз. Бу ҳолда бажариладиган амаллар ўта оддийдир: барча такт объектлари, шулар жумласидан такт чизиқлари ҳам хохишингизга кўра сичқонча билан енгил ҳаракатлантирилиши мумкин.

Буни билиб қўйиш керак! Сичқонча ёрдамида нота ва такт чизиқларини суриб, улар орасидаги масофа ва яна шунингдек бутун такт ўлчовини ўзгартириш мумкин бўлган бир пайтда ушбу объектларнинг координатларини хусусиятлар ойнасидан «General» ёрдамчи варағи ёрдамида ўзгартирилганда у фақат ажратиб олинган объектнинг координатларини ўзгартиради, бошқаларига эса таъсир қилмайди.

2. Ҳужжатни жойлаштириш асбоблари.

Даставвал фортепиано пьесасидан кичик парча оламиз:

Piano

✓ Тўртинчи тактни албатта саҳифа чеккасига ўтказишимиз зарур деб тасаввур қиламиз. Бунинг учун унга нисбатан **тизимни узишни** қўллаш зарур. Ушбу ҳолда дастурнинг ўзи шу такт учун қайси сатрда кўпроқ бўш жой борлигини аниқлайди:

Piano

Шундай қилиб 4 такт юқори сатрига, яъни кўпроқ жой мавжуд ерга ўтади. Экранда такт устида тизимни узишнинг кўк белгиси пайдо бўлади.

Агар бутун тактни бир сатрда жойлаштириш зарур бўлса узиш тизимини олдинги тактда ҳам қўллаймиз:

The image shows a musical score for Piano, consisting of three systems of staves. The first system (measures 1-3) is labeled 'Piano' and shows a treble and bass clef with various chords and melodic lines. The second system (measures 4-5) continues the piece. The third system (measures 6-8) concludes the piece. A blue square icon is visible in the top right corner of the first system.

Тизимни узишни киритиш учун тактни ажратиб олиш, ундан кейин эса **Layout/Break – System Break (Жойлаштириш/Узиш – Тизимни узиш)** менюси буйруғини бажариш ёки шунчаки **Enter** клавишини босиш керак.

✓ **Саҳифани узиш** навбатдаги тактни келтирилган мисолдаги каби янги саҳифада жойлаштириш имконини беради. Бу ҳолда такт устида экранда саҳифани узишнинг кўк белгиси пайдо бўлади:

The image shows a musical score for Piano, consisting of one system of staves (measures 1-3). The score is labeled 'Piano' and shows a treble and bass clef with various chords and melodic lines. A blue document icon is visible in the top right corner.

Иккинчи саҳифа

2

4

The image shows a musical score for Piano, consisting of one system of staves (measures 4-8). The score is labeled 'Piano' and shows a treble and bass clef with various chords and melodic lines.

Саҳифани узишни киритиш учун такт чизиғини ажратиб олиш, ундан кейин эса **Layout/Break – Page Break (Жолашиш/Узиш – Саҳифани узиш)** буйруғини ёки **Ctrl+Enter** клавишларини босиш зарур.

✓ **Секция охири** – бир нечта асар ёки партитура парчаларини бир-биридан чегаралашга имкон берувчи қурол тизим ёки саҳифани узиш билан бирга амал қилади. Партитурамизнинг бир саҳифасида ҳар-хил ўлчов ва тоналликдаги иккита фортепиано пьесаси жойлашган деб тасаввур қиламиз. Албатта пьесалар тўқима ва олдинги партитура бўйича яратилган:

Пьеса 1

Пьеса 2

Бу ҳолатда куйидаги амалларни бажарамиз:

- Тушинарлироқ бўлиш учун нусҳаланган ва ўзгарган кўринишда «иккинчи пьесанинг» устига киритилган ҳужжатнинг сарлавҳаси яратилади;
- 3 тактга тизимни узиш ва секция охири қўлланилади;
- 4 тактдан ўлчов 2/4 га ўзгартирилади. Ўлчовни ўзгартиришда у юқориги сатрга таъсир қимаслиги учун «Allow cautionary» («Огоҳлантириш» опцияси ўчириб қўйилади;
- Ўша жойда калит белгилари ҳам ўзгартирилади. Лекин буларни бироз ишлашга тўғри келади.

Афсуски, калит белгилари алмашишини огоҳлантиришни олиб ташлашнинг иложи йўқ, лекин огоҳлантирувчи калит белгиларини шунчаки ажратиб олиб, **яшириш** мумкин. (7 саҳифадаги – Edit/Таҳрир Менюсига қаранг). Ушбу ҳолатда улар кўз олдимиздан йўқолади лекин тактда ўрин эгаллаб туришда давом қилади:

Янги калит белгилари олдида пайдо бўлган жуфт такт чизиғини ажратиб олиб Del клавиши орқали уни олиб ташлаймиз:



Энди эса такт сўнгида яқунловчи такт чизигини қўямиз ва олинган натижадан завқланамиз:

Пьеса 1



Пьеса 2



Автоформат

Сиз бу буйруқни «Layout» («Жойлашиш») менюсидан топишингиз мумкин. Унинг ёрдамида сиз маълум тактлар сонидан кейин репетиция белгиси, матн, суръат, жуфт такт чизиги ва белгиларни ўзгартириш яна шунингдек маълум бир тактлар сонидан кейин қўп тактли паузаларни автоматик равишда бўлиб чиқиш, тизим ва саҳифани узишни автоматик равишда киритиш учун дастурга имкон яратиш мумкин.

Албатта бу ишларни бажариш ҳамisha ҳам талаб қилинавермайди, лекин булар айрим ҳолларда партитурани безашда ёрдам бериши мумкин.

2. Нота йўллари жойлаштириш

Нота ва партитура матни териб бўлингандан кейин уларни ташқи тамондан кўриб чиқсак баъзан нохуш таъсурот қолади: Нота саҳифалари сони бир хил эмас, нота йўли оралиғидаги интерваллар турлича. Қисқаси бир сўз билан айтганда ҳужжатнинг ташқи кўриниши унинг устидаги ишларни охиригача етказишни талаб қилади.

Диққатингизга наشر қилиш учун мутлақо тайёр бўлмаган С. В. Рахманинов романси ҳавола қилинади.

В МОЛЧАВЫЕ НОЧИ ТАЙНОЙ

Сопра. С. БЕТГА

© Рахмонов
Сок. 1, 19. 3

The image displays a musical score for the piece "В МОЛЧАВЫЕ НОЧИ ТАЙНОЙ" (In the Silent Nights of Mystery). It includes a vocal line for Soprano (Сопра. С. БЕТГА) and a piano accompaniment. The score is written in 2/4 time and features various dynamics such as *pp*, *f*, and *ppp*. The lyrics are in Cyrillic script. The score is divided into several systems, with some measures marked with rehearsal numbers like 43, 44, 45, 46, and 47. The piano part consists of intricate arpeggiated patterns and chords, while the vocal line is melodic and expressive.

Ҳужжат саҳифаларини имкон борича бир хил кўринишга олиб келишга ҳаракат қиламиз.

1. Даставвал бир саҳифада нечта тизимни жойлаштириш мумкинлигини ўйлаб кўрамиз. Ушбу ҳолатда биринчи саҳифани ҳам (бу ерда сарлавҳа бор, яхшиси уни сиқиб қўймаслик керак, чунки у партитура «юзи» дир) ва яна охири саҳифани ҳам ўз ҳолича қолдириш керак (акс ҳолда унда 4 тадан кам тизим қолиши мумкин), шундай қилиб ҳар бир саҳифада 4 тадан тизим жойлаштириш мумкин.

2. Орзуларимизни ҳаётга тадбиқ қилишни бирданига иккинчи саҳифадан бошлаймиз. Чунки биринчи саҳифа ташқи кўринишидан ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Иккинчи саҳифада 4 та тизим жойлашиши учун дастлаб 2 саҳифадаги биринчи (юқори) тактни, ундан кейин Shift –клавишини босиш орқали 3- саҳифа биринчи нота йўлидаги охири (пастки) тактни ажратиб оламиз:



3. «Layout/Format – Make into Page» («Жойлашиш/Формат – Саҳифага айлантириш») менюси буйруғини қўлаймиз ёки Ctrl+Shift+Alt+M клавишларини босамиз. Натижада барча ажратиб олинган тизимлар 2 саҳифада жойлашади.

4. 3 Саҳифага 4 саҳифадан битта тизимни олиб ўтиб, юқоридаги каби ишни амалга оширамиз. 4 саҳифада роппа - роса 4 тизим, охири саҳифада эса 2 та тизим қолади.

2-саҳифа.



3-саҳифа.



4-саҳифа.




5-саҳифа.



Натижалар ойнадек равшан. Ундан ташқари саҳифалар сонини ҳам биттага қискартиришга мувофақ бўлдик! Энди яккаю - ягона қолган иш, саҳифалардаги нота йўлларини текислаб чиқишдир. Бунинг учун 2,3,4 нота йўлларини ажратиб оламиз ва

«Layout/Align Staves» («Жойлаштириш/Нота йўллари текислаш») менюси буйруқларини чақирамиз.




Саҳифаларни экранда кўринадиган қилиб (тасвир кўламини 25% атрофида) қўйиб кўриб чиқамиз. Улар ичидан қайси бирини намуна сифатида олиш мумкин? Иккинчи саҳифани олиб бўлмаслик ўз-ўзидан кўриниб турибди, чунки унинг биринчи нота йўли анча пастга тушиб кетган. Учинчини саҳифани оламиз. Бунинг учун опцияларни расмда кўрсатилганидек ўрнатамиз. Кичик кўлам (масштаб) дан кўриниб турганидек иккинчи ва тўртинчи саҳифалар - чапда, учинчи саҳифа эса ўнгда жойлашгандир. Шунинг учун ҳам айнан «чап томондаги саҳифаларни ўнг томон саҳифаси» намунаси бўйича текислаймиз». Мана натижа:



Унча ёмон эмасга ўхшайди. Лекин «тажрибанинг софлиги» учун терилган партитурани, қоғозни тежамагансиз деб танбех бериб, партитурани қайта ишлаб берасиз деб тигизлик қилаётган миждов муҳаррирга топширдик деб тасаввур қиламиз.

Кайфиятимиз тушган ҳолда ишчи столимизга қайтиб, партитурадан нимани қисқартириш мумкин экан деб ўйлаб қоламиз. Бизга Document Setup («Хужжатни созлаш») –деган ажойиб буйруқ ёрдамга келади, у Ctrl+D клавиши орқали чақирилади.



Ушбу ойнадан биз учун айниқса «Staff size» (Нота йўли ўлчами) опцияси кизиқарлидир. Нота йўли ўлчами роппа - роса 7 тенг. Бу анча катта ўлчов. Уни 6 га қўямиз, бу ўлчов кичикроқ, лекин у олдимизга қўйилган вазифани бажаришга имкон беради.

«Нота йўли ўлчамлари»га нима шунчалик тасир қилади? – Ушбу опцияни ўзгартирган пайтда на фақат нота йўли ҳажми, балки унда жойлашган барча объектлар: ноталар, белгилар ва матнлар ҳам ўзгаради. Шундай қилиб, объектлар **кўламини кичиклаштириш**, уларни камроқ саҳифаларда жойлаштириш имконини беради. Кўламини **катталаштириш** эса, айниқса кўриш қуввати паст одамлар учун ноталарнинг ўқилиш даражасини оширади.

Шундай қилиб, биз нота йўли ўлчамини 6 га туширдик. Партитурани кўриб чиқамиз. Такт ва нота йўллариинг жойлашиши мутлақо ўзгармаган, бунинг сабаби эса қуйидагича: Унга форматлаш (тизимни, саҳифани узиш ва шунга ўхшашлар) қўлланилади, бу ҳақда эса тактлар устидаги кўк белгилар гувоҳлик беради. Форматлашни олиб ташлаш учун эса бутун хужжатни «Edit/Select - Select All» («Таҳрир/Ажратиб олиш – Ҳаммасини ажратиб олиш») менюси буйруқлари Ctrl+A клавишлари қўшилмаси билан ажратиб оламиз ва «Layout/Format - Unlock Format» (Жойлаштириш/Формат – Форматни очиш) буйруқини бажарамиз ёки Ctrl+Shift+U клавишларини босамиз.

Ундан кейин тизим ва нота йўллари баъзи жойларда нотекис жойлашган бўлса, уларни юқорида баён қилинганидек тўғирлаймиз. Энг охириги натижа кўз олдимизда:

В МОНАШЫ НОМ ТАЙНОУ

The image displays a musical score for the piece 'В МОНАШЫ НОМ ТАЙНОУ'. It consists of two main systems of music. The first system includes a piano accompaniment (left) and a vocal line (right) with lyrics in Russian. The piano part features complex rhythmic patterns, including triplets and sixteenth notes. The vocal line is written in a soprano or alto clef and includes lyrics such as 'В МОНАШЫ НОМ ТАЙНОУ'. The second system continues the piano accompaniment and vocal line, with the piano part showing more intricate rhythmic textures. The score is written in a standard musical notation with a key signature of one flat and a 4/4 time signature.

3. «Шахсий ёки хонаки услуб»

«Шахсий услуб» ёки «хонаки услуб» (бу ибора инглизчадан шундай таржима қилинади) – бу нота партитурасининг барча элементлари тасвирини сошлаш тизимидир («House Style/Шахсий ёки хонаки услуб» менюси).

Бу менюдаги буйруқлар ичида ишни энди бошлаётган қўлланувчилар учун энг асосийси «Engraving Rules» («Жилвирлаш(гравировка) қоидалари») мулоқат ойнасидир. Унинг саҳифани белгилаш ва партитуранинг ташқи кўринишига тааллуқли асосий опцияларининг баъзи бирларини кўриб чиқамиз.

Bar Numbers (Такт рақамлари). Бунда тактлар устидаги рақамлар тасвири созланади:

- Ҳар бир такт устида ;
- Ҳар бир 5, 10 такт оша;
- Ҳар бир тизим устида;
- Тасвирланмасин.

Bar Rests (Такт паузалари), яъни бўш тактларни тўлдирувчи паузалар, опциялар қуйидагича:

- Такт паузаларини кўрсатиш (ёки кўрсатмаслик);
- Кўп тактли паузаларни кўрсатиш (бир қанча бўш тактларни бир тактга бирлаштириб устида рақам билан рамзлар қўйиладиган паузалар);
- Кўп тактли паузаларни бир тактда ҳам қўллаш;
- Кўп тактларни тасвирлаш услублари.


Rehearsal Marks (Репетиция белгиси) – Муסיқачининг нота матнида мўлжални тўғри олиши ва асарнинг бир парчасини ажратиш учун партитура ва чолғу партияларида қўйиладиган белги (рақам ёки ҳарф). Тасвирлаш услуби рақамли ва ҳарфий соланади. Шунингдек рақамлар сифатида такт рақамларини ҳам қўйиш мумкин.

Staves (Нота йўллари). Бунда тизимдаги нота йўллари саҳифадаги тизимлар ўртасидаги энг кичик оралиғи ва яна нота йўллари саҳифа охиригача берилган фоизига мувофиқ нота йўллари сони билан тўлдириш шarti билан уларни автоматик равишда текислашга имкон берувчи функция киритилади.

Бу опция катта асарлар учун фойдалидир, лекин энди иш бошлаётган қўлланувчилар асарда (ёки унинг охириги саҳифасида) тактлар сони бутун саҳифани тўлдирмай қолган ҳолатга тушиб қолса, бу опция унинг асабларини анча ишдан чиқаради. Ушбу ҳолда нота йўллари текислаш ва саҳифаларни тўлдиришнинг паст фоизи ўрнатилган бўлса, нота йўллари саҳифа охиригача қўлда тўғирлаб бўлмайдиган бўлиб чўзилади («а»расм)

«Staves» бўлимидаги фоиз даражасини ошириш, муаммони бизнинг ҳисобимизга 1:0 қилиб ҳал қилишга имкон яратади («б» расм).

а)



б)



Time Signatures (Ўлчовлар). Бу бўлимда ўлчов белгиларини тасвирлашнинг турли услублари: оддий, катта, жуда катта (такт устида) кабиларни ажратиш мумкин.

IV боб овоз билан ишлаш

1. Умумий тавсиялар.

Sibelius – сизга маълум бўлганидек икки турдаги: бир томондан партитура ноталарини (матн таҳририга ўхшаб) териш, иккинчи томондан эса мусиқа яратиш ва уни таҳрирловчи дастурдир.

Олдин айтиб ўтилганидек, Sibelius ижро пайтида сиз кўрсатган суръат ва динамика белгиларига «эътиборини қаратади». Албатта сизнинг партитурангиз жонли ижро каби янграйди деб ўйлаш жуда соддалик бўлар эди. Аммо, дастурни у ёки бундай маълум бир йўллар билан мусиқани кўпроқ ёки озроқ даражада ифодали ижро қилишга мажбурлаш мумкин.

«Play» («Ижро») менюсида «Dictionary» («Луғат») буйруғи, мусиқа ижросига таъсир қилувчи ва дастур буйруғи сифатида қабул қилинувчи сўзлар кўрсатилган очилувчи мулоқат ойнаси жойлашган. бу ерда ҳар бир сўз ҳаракатини таҳрир қилиш, яна шунингдек, ўз буйруқларингизни қўшишингиз ва уларга ҳаракатлар тайинлашингиз мумкин. Ушбу ҳолатда барча сўзлар икки тоифа: «System text» (бутун тизимга таъсир қилувчи матн) ва «Staff text» (битта нота йўлига таъсир қилувчи матн) ларга бўлинади.

Келтирилаётган мисолдаги метрни метрономлаштиришнинг яширин белгилари (юкорисида) тизимий матнлар бўлиб, улар таъсирида куй барча нота йўлларида ўз суръатини ўзгартиради. Ҳар бир *pp* ва *ppp* белгилари айнан ўзи биркитилган нота йўлига, ундан ташқари ўзи ҳам тегишли бўлган овознинг битта куйига таъсир қилади. Шундай қилиб, бу ерда альт партиясини анча баланд нюансга кўтаришга, икки тенор ва бас партияларини эса *ppp* гача пасайтиришга муваффиқ бўлинади.

The image shows a musical score snippet with four staves labeled C, A, T, and B. Above the staves, there are tempo markings: 25, 40, 70, 2 a tempo, and 30. The staves contain musical notation with dynamic markings: *pp* for the A staff, and *ppp* for the T and B staves. The notation includes notes, rests, and bar lines.

Яна битта мисол. Бу ерда овоз бериш учун «Violin» (скрипка) партияси танланди. Тактлар устига **technique** (ижро техникаси) матни киритилди. Агар сиз ҳам шундай нота парчасини яратаётган бўлсангиз тасаввур қилаётган скрипкангиз, биринчи тактни камонча билан, кейин тирнаш-(pizzicato), ундан кейин яна камонча, тўртинчи тактни эса тебратма товуш – (tremolo) ва бешинчи тактни яна оддий усул билан ижро қилаётганини эшитасиз.

The image shows a single violin staff with four measures. Above the staff, the techniques are labeled: pizz., arco, tremolo, and arco. The notation consists of whole notes on a single pitch.

Булар барчаси куй оҳангини бойитиб, «жонли ижро»га яқинлаштиради. Ортиқча белгиларни **Hide** буйруғи билан яшириш эса партитуранинг ташқи кўриниши бузилмаслигига ёрдам беради.

2. Ижрони созлаш

Юқорида эслатиб ўтилган «**Play**» менюсида мусиқа ижроси параметрларини (ўлчамларини) созлавчи буйруқлар мавжуддир. Мусиқа яратишда керак бўладиган асосий буйруқлар «**Performance**» («Ижро») Мулоқат ойнасида жойлашгандир:

а) «**Style**» бўлимида учта параметр жойлашган:

1. **Espressivo**. Ушбу параметр ижро **ифодавийлигига** (артикуляция ва динамикани бўрттиришга) кучли таъсир қилади. Лекин, агар секинлик, акцентлар зарурияти йўқ бўлиб, майинлик керак бўлиб қолган ҳолларда ифодавийлик даражасини пасайтириш, ёки уни «**Meccanico**» режими ёрдамида бутунлай олиб ташлаш мумкин.

2. **Rubato**. Дастурга мусиқа ўйналаётганда суръатни худди инсон ижро қилаётгандагидек нафис ўзгартиришга имкон яратади.

3. **Rhythmic feel («Ритм ҳисси»)** –ажратиб олинган ритмик услубга мувофиқ дастурга эркин ижро қилишга имкон яратувчи параметр.

б) «**Reverb**» («**Реверберация**») бўлими: унда мусиқа ижроси натижасида таралаётган акс – садо (эхо) энг паст (Dry – «курик») дан, энг юқори (Cathedral – «Мачит») («Собор») даражасигача соланади.

в) «**Note Duration**» («**Ноталар чўзилиши**») бўлими: у алоҳида ва лига билан бирлаштирилган ноталарнинг чўзимини (фоизларда) созлаш имконини яратади. Бунда оханг чўзилишининг юқори сифатига эришиш учун, бу микдорни 100% дан ортиққа қўйиш мумкин (яхши натижа бериши мумкин, лекин ҳамма MIDI – қурилмаларида эмас - деб огоҳлантиради яратувчилар).

Бундан ташқари бу ерда бошқа созловлар ҳам бор бўлиб, яхшиси уларга тегмаган мақул.

3. Яна Kontakt Player

Kontakt Player ойнаси ва унинг вазифалари билан қўлланма бошида танишган эдик. Kontakt Player – унинг ёрдамида Sibelius ҳар - хил торли, пуфлама ва клавишли чолғулардан иборат анча ҳаққоний янграйдиган ўзидаги шахсий мусиқа асбоблари тўплами, хонандалар овози, яна шунингдек урма асбоблар ва электр гитараларнинг (Kontakt Player Goldда) бир неча хилидан фойдаланиб, сизнинг мусиқангизни ижро қиладиган иловадир.

Kontakt Player тизимий талаблари анча қатъийдир. Ундан ташқари ўрнатилган Kontakt Player Gold қаттақ дискда 800 МБ дан ортиқ жойни эгаллайди (Silver – 260 МБ). Амалиётда қуйидаги тизимий талаблар ўрнатилган:

1 ёки 2 та чолғу асбоби 1 ёки 2 асбобли асар билан фақат Kontakt Player Silver учун абсолют минимум:

- Pentium II, 64 МБ RAM, Windows 98 – ларда, чолғулар катта қийинчилик билан хотирага олинади, лекин (тутилишлар билан) янграйди,

Кўп сонли чолғулар учун:

- 2 ГГц и выше, 512 МБ RAM, Windows XP частотали процессор (256 МБ да тизимий хотира етишмаслиги ҳақида ҳар вақти- вақти билан хабарлар берилади) тавсия қилинади.

Kontakt Player ойнасида «CPU Usage» ёзувли индикатор мусиқа ўйналаётган пайтда марказий процессор қанчалик даражада юкланганлигидан хабар беради (яшил ранг - ҳаммаси жойида, сариқ - ўрта даража, қизил ранг эса процессорингиз мана - мана «тутаб» кетиши мумкинлигидан огоҳлантиради) яна шунингдек буни товушнинг «тутлиқиши» ва дастурнинг «қотиб» қолишидан ҳам билса бўлади).

Агар компьютерингизда шунга ўхшаш ходисалар кузатилса «**Use Reverb**» («**Реверберациядан фойдаланиш**») опциясини ўчириб, марказий процессорга катта енгиллик беришингиз мумкин. Лекин бу опция овоз сифатини анча яхшилайдди, шунинг учун уни яхшиси компьютерингиз қуввати етарли даражада баланд бўлса ёқиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Kontakt Playerни ўрнатиш

Kontakt Player Silver Sibelius 3 учун мўлжалланган **Kontakt Player Sibelius 4** га ҳам ҳеч қандай муаммосиз ўрнатилади (фақат янгилаш керак ва (Sibelius 3 компакт-дискда «Kontakt Player Silver Update.exe»га ўхшаш файл бўлиши зарур).

Агар сизнинг ихтиёрингизда **Sibelius 4** учун мўлжалланган **Kontakt Player Gold** мавжуд бўлса, омад сизга бениҳоя кулиб боқанидир, сиз кейин нима ёзилганини ҳатто ўқиб ҳам ўтирмасдан, дастлаб Kontakt Player Silver, ни кейин эса улар умумий асбоблардан фойдаланганлиги сабабли қўшимча сифатида Gold – ни ўрнатишингиз мумкин. Kontakt Player Gold ни дарҳол ўрнатиш ҳам мумкин, лекин ўрнатиш жараёнида барча керакли файлларни ўрнатиш учун барибир Kontakt Player Silver ёзилган дискдан фойдаланишингизга тўғри келади.

Агар сизда **Sibelius 3** учун **Kontakt Player Gold** мавжуд бўлса, уни бирданига Sibelius 4 га ўрната олмайсиз, лекин ҳеч бир иложсиз нарса йўқ. Қуйидагича иш тутинг (амалда синалган):

1. Sibelius 3 ни ўрнатинг. У ошкор қилинмасдан Sibelius 4 дан бошқа папкага ўрнатилади. Шунинг учун ҳам сизда Sibelius 4 аллақачон ўрнатилган бўлса унга ҳеч нарса хавф солмайди;

2. Sibelius 3 ни ўрнатганингизда фақат серия номери ҳақида хабар беринг, дастурнинг ўзини эса ишга тушириш ва рўйхатдан ўтказишнинг мутлақо зарурияти йўқ.


3. Дастлаб Kontakt Player Silverни (яхшиси, янгилаш билан), ундан кейин Gold ни ўрнатинг;

4. Sibelius 3 ни олиб ташланг (олиб ташлашда автоматик режимни танланг);

Агар кўрсатилган амаллар бажарилгунча сизнинг компьютерингизда Sibelius 4 ўрнатилмаган бўлса, уни ўрнатинг ва рўйхатдан ўтказинг. У ишга туширилган пайтда ўрнатилган Kontakt Player ни таниб олади ва у билан мувоффақиятли ишлайди.

Товушни созлаш

Kontakt Playerни ўрнатганингиздан кейин Sibelius ни биринчи ишга туширишингизда қуйидаги товуш созлаш ойнасини кўрасиз (уни кейинчалик Kontakt Player ойнасидаги «Audio Setup» клавишини босиш орқали ҳам очиш мумкин):



«**Interface**» сатрида Direct Sound – параметри тавсия қилинган. Лекин сизнинг товуш платангиз учун ASIO драйвери параметрларини ажратиб олишингиз зарур. Мабодо ҳар иккала параметрлар билан ҳам товуш муаммолари пайдо бўлса, унда «Multimedia» параметрини ажратиб олишга ҳаракат қилинг.

Агар сиз ижро пайтида «тутилиш»ни сезиб қолсангиз охириги параметр - «**Output Latency**» нинг даражаларини ўзгартиришга ҳаракат қилинг.

Қолган бошқа параметрлар автоматик равишда қўйилади ва уларни ўзгартирмаслик керак.

Ундан ташқари, Kontakt Player Gold розилик берилса Интернетга ўтишга ҳаракат қилаётган ва ўзига жуда жалб қилувчи рўйхатга олиш ойнасини ҳам ёритади.

Шунчаки «Don't register» ни босинг ва буни эсдан чиқаринг.

Kontakt Player билан ишлаш

Агар сиз Kontakt Player ни мувоффақиятли ўрнатиб, аудио параметрларини созлаган ва уни «**Playback/Devices**» («**Ижро/Қурилмалар**») менюсидан ижро қилувчи қурилма сифатида ажратиб олишни унитмаган бўлсангиз, энди янги партитура яратаётганингизда мутлақо янги чолғу асбоблари овозини эшитасиз.

Лекин буни бошқа ижро қилувчи MIDI қурилмалари, айниқса Kontakt Player тўпламида мавжуд бўлмаган мусиқа асбоблари ёрдамида яратилган баъзи асарлар ҳақида айтиб бўлмайди. Ушбу ҳолда файлни очиш пайтида товушни олиб ташлашни тавсия

қилувчи («Reset sounds») огоҳлантирувчи хабар пайдо бўлади. Агар сиз рози бўлсангиз Kontakt Player партитурадаги нота йўлларига ўзида мавжуд мусиқа асбобларни қўяди. Агар рози бўлмасангиз мисол учун: гитара ёки флейта ўрнига урма асбоблар, саксофон ўрнига фортепиано овозларини эшитасиз ёки ундаги «Reset sounds» («Товушларни қайта ўрнатиш») тугмачасини босинг ёки чолғу асбобларни қўлда танланг.

Энди Kontakt Player асбоблари оҳанги ҳақида. Унинг товуш сифати MIDI чолғу асбоблари овозидан анча юқоридир. Kontakt Player ойнасидаги созлагичлар ёрдамида тембрнинг атака майинлигини ва акс – садо даражаларини созлаш орқали товушларнинг ҳаққонийлигига эришиш мумкин бўлса ҳам, ҳақиқатга тик боқиб шуни айтиш зарурки, кўпчилик мусиқа асбоблари тембри ҳақиқий мусиқа асбоблари тембридан бир мунча пастрокдир.
